

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” факультети
“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” кафедраси

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

Кафедра мудир
и.ф.н., доц. Хажиев Б.Д.

«__» _____ 2017 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: “Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни
ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари
(Ўзбекистон Республикаси Микрокредитбанк маълумотлари
асосида)”**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

И.ф.н., доц. Юсупов Р.А.

БАЖАРДИ:

“Иқтисодиёт (иқтисодий назария)”
таълим йўналиши ЕКН-75 гуруҳ
битирувчи курс талабаси
Абдурахмонов Алижон Алимжонович

Битирув малакавий иши дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2017 йил _____
_____даги _____ сонли баённома билан расмийлаштирилган.

ТОШКЕНТ-2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ БОБ. РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш: назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари.....	8
1.2. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни ва роли.....	14
1.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари.....	26
I боб бўйича хулоса.....	33
II ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА БОБ. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	35
2.1. Мамлакатимизда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати ва таҳлили.....	35
2.2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти.....	45
2.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти.....	57
II боб бўйича хулоса.....	68
III МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ БОБ. РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ.....	69
3.1. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микрокредитлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари....	69
3.2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари амалиётини такомиллаштириш йўналишлари..	75
3.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўллари.....	79
III боб бўйича хулоса.....	87
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзунинг долзарблиги ва асосланиши.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларида бири тадбиркорлик фаолиятининг ривожини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиши, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, улар фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ушбу масаланинг долзарблигини мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганлар: “... ҳар бир хонадоннинг тадбиркорлик борасидаги имкониятини ўрганиш, молиялаштиришни кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорларни ишонтириш ва уларга амалий ёрдам бериш – бутун Макроиқтисодиёт комплекси фаолиятидаги кундалик қоидага айланиши керак”¹.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада барқарор ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, минтақаларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни жадал ривожлантириш, ушбу соҳани молиялаштириш тизимида янгиликлар киритиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар асосида модернизация қилиш ва узоқ муддатли кредитлар ҳажмини оширишни тақозо этади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 9-бет.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган, яъни “банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш” зарурлиги белгилаб қўйилган².

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида мамлакатимизда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар амалиётини такомиллаштириш борасида айрим ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сонини ошириб бориш, асосий эътиборни уларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш зарур. Шу билан бирга, кредитни нақд пул шаклида олишдаги чекловлар, юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги ҳамда кредит бўйича қарздорликни ундириш масалалари тадбиркорлик субъектларининг мазкур кредитлардан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўяди.

Ўзбекистонда банк хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик фаолияти ташкил этилиши ва ривожланишининг айрим жиҳатлари Й.Шумпетер, А.Хоскин, Р.Хизрич, Ф.Хайекларнинг илмий асарларида чуқур тадқиқ қилинган.

²“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

Тижорат банкларининг бажарадиган асосий вазифалари, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кредитлаш ва молиявий таъминлаш масалаларини хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимлардан А.Бусыгин, Н.Сирополис, М.Лапуста, Ю.Старостин, О.Лаврушин, Ю.Рубина, М.Юнус, Б.Райзберг ва бошқаларнинг илмий ишлари шулар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг илмий асарларида тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматларни кўрсатишни ривожлантиришда солиқ ва кредит имтиёзлари беришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, А.Ваҳобов, А.Ўлмасов, Т.Қоралиев, Д.Тажибаева, Р.Омоновлар илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрнини очиб бериш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини микрокредитлашни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- “тадбиркорлик” тушунчасининг мазмунини ёритиб бериш ва тавсифлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ҳамда ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш;

- тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда банк тизимининг роли ва аҳамиятини асослаб бериш;

- кредитлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон

амалиётда фойдаланиш имкониятлари юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- республикамизда кредитлаш, шу жумладан, микрокредитлаш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

- тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Ишнинг объекти Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларини кредитлашга қаратилган фаолияти ҳисобланади. Ишнинг предмети тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг янгилиги. Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўзига хос бўлган хусусиятлари аниқлаб берилди;

- микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг роли кўрсатиб ўтилди;

- микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Битирув малакавий иши услубиёти ва услублари. Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Иш жараёнида шакллантирилган таклиф ва амалий тавсиялардан тадбиркорлик субъектларини кредитлашга оид илмий изланишларни янада чуқурлаштиришда, молия-кредит муассасаларининг тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш

дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодиёт асослари”, “Банк иши”, “Пул, кредит ва банклар” каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иши таркибининг қисқача тавсифи. Битирув малакавий иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат. Унинг ҳажми 100 бетдан иборат бўлиб, ўз ичига 5 та жадвал ва 13 та расмни олади.

I БОБ. МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш: назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари

Иқтисодий таълимотлар тарихидан маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимлари – Р.Кантильон, А.Смит, А.Маршалл, Ж.Б.Сей, В.Зомбарт, Й.Шумпетер, Ж.Б.Кларк, Р.Хизрич, А.Хоскин, Ф.Хайек ва Н.Сирополисларнинг асарларида чуқур тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий-назарий, амалий хулосалар, тавсиялар шакллантирилган ва илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Биз битирув-малакавий ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таниқли иқтисодчи олимларнинг фикр ва қарашларини (1-илова) ўрганган ҳолда, бу тушунчаларга ўз мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Иқтисодчи-олимлар “бизнес” тушунчасини “иш”, “муносабат”, “машғулот” фойда олишга қаратилган бозор муносабатлари субъектларининг иқтисодий фаолияти, пулдан пул чиқаришга қаратилган фаолият, деб, “тадбиркорлик” тушунчасини яратувчанлик орқали ҳамда аҳоли талабини қондириш асосида даромад топишга қаратилган, инсонларга наф келтирувчи иқтисодий фаолият, жавобгарлик, мустақиллик, бозорбоп товарлар ишлаб чиқариш орқали фойда олишга эришиш, хатарга тайёр бўлиш, ғояларга бой, иродалилиқ, тиришқоқлик ва ташкилотчилик каби хусусиятлар мужассамлашган ташаббускор фаолият, деб талқин этадилар. Айрим иқтисодчи-олимлар “бизнес” ва “тадбиркорлик”ни маънодош тушунчалар, деб ҳисоблайдилар. Хусусан, профессор М.Расулов фикрича: “тадбиркорлик моҳияти, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари бир хил”³.

³Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 217-бет.

Иқтисодий адабиётларда “тадбиркор” тушунчаси биринчи марта 1723 йилда Парижда нашрдан чиққан “Умумий тижорат луғати”да пайдо бўлган ва бунда “тадбиркор” деганда “ишлаб чиқариш ва объектлар қурилиши бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олган шахс”⁴ тушуниланган. Илмий термин сифатида “тадбиркорлик” тушунчаси XVIII асрнинг бошида таниқли инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон ишларида қўлланилган⁵. Унинг фикрича, “тадбиркор – фойда олиши чегараланмаган ва товарларни арзон нархда сотиб олади-ю, лекин уни қимматроқ нархда сотади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи шахсдир”⁶.

А.Бусыгин тадбиркорликни “фойда олиш мақсадидаги иқтисодий фаолликнинг махсус тури” сифатида таърифлаб, тадбиркорлик фаолиятининг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадики, у бозорда талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши лозим. У тадбиркорликни янги нарсани яратиш жараёни сифатида, тадбиркорни эса буларнинг барчасига зарурий вақт ва куч сарфловчи, бача молиявий, психологик ва ижтимоий таваккалчиликни зиммасига олувчи, эвазига пул ва эришган муваффақиятдан қониқиш ҳосил қилувчи инсон сифатида қарайди”⁷.

Н.Сирополис тадбиркорликни жонли, динамик фаолият ҳисоблаб, тадбиркорни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этувчи, уни бошқарувчи ва барча мавжуд таваккалчиликни ўзига олувчи шахс сифатида талқин қилади ва тадбиркорликнинг қуйидаги муҳим хусусиятларини кўрсатиб беради: аниқ мақсадларни кўзлаш; новаторлик; фаолиятнинг рисклилиги; ўзига ишонч; қатъиятлилиги; жавобгарлик⁸.

М.Лапуста, Ю.Старостин тадқиқотларида “кичик тадбиркорлик – қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ бозор иқтисодиёти

⁴Основы бизнеса/под.ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е изд. – М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2005. – 47 стр.

⁵Акимов О.Ю. Малый и средний бизнес: эволюция понятий, рыночная среда, проблема развития. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 24 стр.

⁶Основы бизнеса/под.ред. Ю.Б.Рубина. Учебник. 6-е изд. – М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2005. – 47 стр.

⁷Бусыгин А.В. Предпринимательство, начальный курс. – М: НИРП, 1992. – 17 стр.

⁸Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей: Пер. с англ. - М.: Дело, 1997. - с. 50-60.

субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши” сифатида қайд этилган⁹.

“Экономикс” дарслигининг муаллифлари Макконелл К.Р., Брюс Л. фикрича, “кичик бизнес – шундай соҳаки, у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши жараёнида ер ресурслари, капитал ва меҳнатни бирлаштириш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олади, шу билан бирга бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорларни қабул қилади. Шунингдек, кичик бизнес янгилик яратувчи бўлиб, тижорат асосида янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологиялари ёки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари ишлаб чиқаришга интилувчи, рискли фаолиятдир”¹⁰.

А.Ўлмасов, А.Ваҳобовларнинг фикрича, “тадбиркорлик моҳиятан бизнеснинг асосий тури. Аммо ҳар қандай бизнесни тадбиркорлик деб бўлмайди. Бунинг учун бизнес яратувчилик белгиларига эга бўлиши лозим. Бизнес кенг маънода пулдан пул чиқаришга қаратилган фаолият. Аммо бундай фаолиятда яратувчилик бўлганда тадбиркорлик юзага келади, яъни биронта ишга капитал қўйиб, ресурсларни самарали ишлатиб, товар ва хизматларни яратиш ташкил этилганда буни тадбиркорлик деб айтиш мумкин” – дея таърифлайдилар¹¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мурожаат қиладиган бўлсак, унда “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият” сифатида таърифланган¹².

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунгача иқтисодчи-олимлар томонидан олиб борилган кўпгина изланишларда билдирилган хулосаларни ўрганиш

⁹Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. - М.: ИНФРА-М, 1997. - С. 5.

¹⁰Макконелл К.Р., Брюс Л. Экономикс. Т – 1., - М: Дело, 1992. – с.38

¹¹Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Шарқ, 2006.- 142-бет.


¹²Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.3-модда. Т.:2000 й.

натижасида ва олиб борилган тадқиқотлар асосида шаклланган фикримизга кўра, тадбиркорлик бизнеснинг асосий унсури бўлиб, унинг ривожланиши бизнесни ташкил этиш учун хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг бир шакли сифатида намоён бўлади ва унинг турли соҳаларида амалга оширилади. Бироқ, бизнес кенгроқ тушунча. Агар бизнес пул топиш ва уни кўпайтиришни англатса, тадбиркорлик яратувчанлик билан, иқтисодий фаолият орқали даромад топиш ва уни кўпайтиришдир. Тадбиркорлик ва яратувчанлик бир-бири билан боғлиқ ва бир бутунликни ташкил қилади, деб хулоса қилиш мумкин.

“Тадбиркорлик”, “бизнес”, “хусусий тадбиркорлик” тушунчалари мазмуни ва унинг турли даврларда турли хил иқтисодчи олимлар томонидан таъриф-талқин этилишини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида мазкур атамаларга замонавий мазмундаги таърифларни ишлаб чиқдик. Фикримизча, мавжуд қонунчиликка мувофиқ моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ўз тажрибаси ва билими, яратувчанлик ва асосида фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – тадбиркорлик; амалдаги қонунлар доирасида ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб, шу жумладан, товар ва хизматлар яратиш орқали фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятни – бизнес; тадбиркорлик субъектларининг қонун доирасида ўз ва ўзга маблағлар ҳамда интеллектуал салоҳияти эвазига яратувчанлик ва риск асосида турли иқтисодий ўзгаришларга тез мослашувчи, аҳолининг талабини қондирувчи маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – хусусий тадбиркорлик, деб таърифланишини ўринли, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорлик яратувчанлик хусусияти билан бизнесдан фарқланади ва “кичик” сўзи мулк шаклини эмас, фақатгина, корхона кўламини тавсифлайди.

Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишда намоён бўлади. Тадқиқот натижаларига

асосланиб, унинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ажратиб, қуйидагича тасвирлаш мумкин.



1.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари¹³

КБХТнинг муҳим белгилари ва афзалликлари сабаб, соҳа тараққиётига XIX асрнинг 60-йилларида эътибор берилиб, бу даврда қўл меҳнатининг юқори бўлиши билан бирга якка тартибдаги тадбиркорлик алоҳида ўрин тутган. Майда ҳунармандчилик ҳамда савдогарлик ривожланган. Бироқ, эркин тадбиркорлик билан шуғулланишга йўл қўйилмаган. 1917-1990 йилларда эркин тадбиркорлик фаолияти турли маъмурий йўллар билан чекланган, ишлаб чиқариш экстенсив (ресурсталаб) йўл билан ривожланган, бунда хусусий тадбиркорликнинг

¹³Битирув-малакавий иши натижалари асосида тузилган.

иқтисодий-ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги аҳамияти инкор этилган. 1991-1995 йилларда, яъни мустақиллик даврида мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг оқилона олиб борган иқтисодий сиёсати натижасида кичик ва хусусий бизнес устун даражада ривожланди, хунармандчилик, ишбилармонлик, ижодкорлик каби анъаналар тиклана бошланди, иқтисодиётни эркинлаштириш бош вазифа қилиб белгиланди. 1996-1999 йилларда КБХТнинг ривожланиши қатор омиллар таъсирида бироз сусайди. Бироқ, айнан мана шу йилларда КБХТни кредитлашнинг ҳуқуқий асоси шакллантирилди. 2000-2009 йиллар қайта уйғониш, тикланиш ва юксалиш давлари бўлиб, бунда тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини ошириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ишлари жадаллашди, рақобат муҳити ривожлантирилди. Мамлакатимиз раҳбари соҳага оид қатор Фармон ва қарорларида КБХТ субъектлари учун кўплаб имтиёз ва рағбатлантириш омиллари фаол жорий қилинди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда КБХТ фаолиятининг шаклланиши ва тараққиёти босқичларини Россия империяси мустамлакачилик даври, Мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги даври ва Мустақиллик-миллий истиқлол давларига бўлиб ўрганиш мумкин.

Жаҳон амалиётида тасдиқланишича, юқори техникадан муваффақият омили сифатида кенг фойдаланилган, янги соҳаларни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳамда тадбиркорлик вазифасини аниқ бажараётган корхоналар, асосан, кичик корхоналар кўринишида вужудга келмоқда. КБХТнинг асосий устуворлиги ҳам унинг тез суръатлар билан ривожланиб, келажакда жуда йирик корхоналарга айланишида ўз аксини топади.¹⁴

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда КБХТ корхоналари тоифаси бир қанча мезонлар бўйича тавсифланади. Кўпгина мамлакатларда, асосан, ишчилар сони олинади, бошқалари эса бир қанча

¹⁴ Масалан “SONY” компанияси 1946 йилда 20 кишидан иборат кичик корхона тарзида иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 476 млрд.иен.га тенг капиталга ва 168 минг нафар ишчи-хизматчисига эга бўлган йирик саноат ишлаб чиқариш корхонасига айланди. Манба: Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.-79-бет.

мезонларга эга. Бу мезонлар ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади, албатта. Ўзбекистонда эса КБХТ субъектларини таснифлашда ишчилар сони ягона мезон ҳисобланади (3-илова). КБХТ имкониятлари ва фаолияти самарадорлигини, уларга яратилган қулайликларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаларини ҳисобга олиб, мазкур субъектларни таснифлашда фақат ишчилар сони ҳисобга олинishi фан-техника тараққиёти шароитида корхонанинг ҳақиқий кўлами ҳақида аниқ ва тўғри маълумотлар бера олмаслиги мумкин. Шунини ҳисобга олиб, истиқболда КБХТ субъектларини таснифлашда маҳсулот сотиш ҳажми ва устав капитали миқдорини ҳам мезон сифатида қабул қилиш лозимлигини эътиборга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда КБХТ фаолияти тараққиётини таъминлаш унинг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда КБХТ фаолиятини ривожлантиришда тижорат банкларининг тутган ўрнини тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

1.2. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни ва роли

Биз битирув-малакавий ишимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тижорат банкларининг тутган ўрни моҳиятини очиш олдидан асосий эътиборимизни банк тизимини моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Тижорат банкининг моҳиятини билиш учун банк тушунчасининг турли қарашларини ўрганишни талаб қилади. Ҳақиқий банк фаолиятининг дастлабки элементлари қадимги Италия, Греция ва Мисрнинг йирик савдо шаҳарларида юзага чиққан. Банк ишининг биринчи малакали иштирокчилари деб ўрта асрдаги саррофлар ва судхўрларни ҳисоблаш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, банк сўзи италянча “banco”

(саррофларнинг столи, пул турадиган стол) сўзидан келиб чиққан¹⁵. Илк бор банк операцияларининг таркибига сарофлар томонидан турли тангаларни сотиб олиш, сотиш, уларни алмаштириб бериш ва мижозлар фикрларини ўрганиш ҳамда бошқариш кирган.

Тижорат банкларининг моҳиятини очиб беришда баъзи адабиётларда қуйидаги асосий аспектлар кўрсатилади:

- пул сақланадиган омборхона;
- муассаса ва ташкилот;
- иқтисодий бошқариш органи;
- биржа агенти;
- кредит корхонаси¹⁶.

Баъзи иқтисодчи олимлар эса тижорат банкларининг моҳиятини очишда қуйидаги учта аспекти кўрсатадилар:

1. Тижорат банкларини товарлар ва хизматлар айланмасини таъминловчи махсус корхона;
2. Молиявий воситачи;
3. Иқтисодиётни ликвидлигини таъминловчи манба¹⁷.

Биз битирув-малакавий ишимизда тижорат банкининг моҳияти бўйича юқоридаги қарашларни чуқурроқ таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Тижорат банки – пул сақланадиган омборхона деган тушунча ўз моҳиятига кўра тўғри мулоҳаза. Чунки, хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолиси ўз пулларини тижорат банкларида сақлайдилар. Худди шу ерда тижорат банкининг молиявий воситачи функцияси юзага чиқади. Тижорат банки молиявий воситачи сифатида “жамғарма – инвестиция” жараёнини амалга оширади. Бир томондан улар хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолисининг вақтинча бўш пул маблағларини сақлаб берадилар ҳамда уларни эгаларига маълум даромад тўлайдилар.

¹⁵Банковское дело. Учебник под ред.проф. Г.Г.Коробовой. – М.: “Экономист”. 2005г. 20 стр.

¹⁶Банковское дело. Учебник под ред.проф. Г.Г.Коробовой. – М.: “Экономист”. 2005г. 26 стр.

¹⁷Финасы.Денежное обращение. Кредит. Учебник под ред.проф. О.В.Соколовой. – М.: «Экономист» 2008г.137с.

Иккинчи томондан тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг инвестицияга бўлган эҳтиёжини керакли пул маблағлари билан таъминлайдилар. Тижорат банкларини бу корхона деган изоҳига кўшимча киритиш лозим. Чунки, тижорат банки корхона сифатида маҳсулот ишлаб чиқармайди, савдо-сотиқни амалга оширмайди. Фақатгина тижорат банкларининг фаолиятини бошқа корхоналар фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини пировард мақсади этиб даромад топиш, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тижорат банкларини корхона эмас, балки “маҳсус корхона” деб изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, ўз фаолияти давомида тижорат банклари ссуда капитали ҳаракатини амалга оширади ва шу асосда ўз таъсисчиларига даромад олишни таъминлайдилар.

Миллий иқтисодиётда тижорат банкларининг эгаллаган ўрни уларнинг олиб борадиган фаолият доирасининг кенглиги билан бевосита боғлиқдир. Тижорат банкларининг бажарадиган функциялари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Масалан, Россиялик иқтисодчи олим и.ф.д. профессор А.И.Архиповнинг фикрича тижорат банклари қуйидаги учта асосий функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхоналар, давлат ва аҳолини кредитлаш;
- мижозларга ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш¹⁸.

Ушбу фикрни Россиялик иқтисодчи олимлардан и.ф.н. Н.Н.Евстратенко ва Л.Н.Андросова ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим и.ф.д. профессор Ш.З.Абдуллаева тижорат банкларининг бажарадиган функциялари тўғрисида кенг фикр юритади.

¹⁸ Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник под ред. проф. Сенчаглова В.К. – М.: «Прспект» 2008г.337 стр.

Унинг фикрича, ҳозирги кунда бизнинг амалиётимизда фаолият кўрсатувчи тижорат банклари қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;
- корхона, ташкилотлар, давлат ва аҳолини кредитлаш;
- муомалага кредит пуллар чиқариш;
- миллий иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;
- молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;
- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш¹⁹.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг функциялари тўғрисида билдирган кўплаб фикр-мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқиш, таҳлил этиш ва уларни таққослаб чиқиш натижасида тижорат банкларининг бажарадиган асосий функциялари тўғрисида профессор Ш.З.Абдуллаева билдирган фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

Халқаро амалиётда тижорат банклари мулкчиликка асосланганлигига қарамадан ихтисосий фаолиятига кўра икки гуруҳга ажратилади: универсал ва ихтисослаштирилган тижорат банклари. Ихтисослаштирилган тижорат банклари маълум бир фаолият йўналишини олиб боради. Ушбу тижорат банкларига қуйидагилар киритилади:

- жамғарма тижорат банклари;
- ипотека тижорат банклари;
- инвестицион тижорат банклари;
- қишлоқ хўжалик тижорат банклари;
- саноат, савдо ва бошқа тижорат банклари.

Универсал тижорат банклари ўз мижозларига барча банк хизматлари комплексини кўрсатади. Мамлакатимизда мустақилликни дастлабки давларида тижорат банклари асосан ихтисослаштирилган акциядорлик

¹⁹Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ.2003й. 30-бет.

тижорат банклари сифатида фаолият олиб борган эдилар. Лекин олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида республикамизда турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларини ташкил топиши, кичик ва хусусий бизнесни ривожланиши натижасида ихтисослаштирилган тижорат банклари универсал хизмат кўрсатувчи банкларга айлантирилди. Масалан, республикамиздаги йирик “Асака” давлат – акциядорлик тижорат банки, акциядорлик-тижорат “Пахта банк”и, акциядорлик тижорат “Ғалла банк”и, акциядолик тижорат “Алоқа банк”и 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан универсал тижорат банкларига айлантирилди.

Мамлакатимизда тижорат банклари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ва 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунлари асосида шакллантирилган ва тартибга солиб турилади. Ушбу қонунчиликка асосан бизнинг мамлакатимизда кўплаб ривожланган мамлакатлардаги каби икки поғонали банк тизими фаолият кўрсатиб келмоқда. Миллий банк тизимининг биринчи поғонасида қоғоз пулларни эмиссия қилишда монопол, бошқа тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб турадиган “банклар банки”, мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб турадиган ва олтин-валюта захираларини сақловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туради.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига асосан “Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

– юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинадиган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;


– тўловларни амалга ошириш²⁰.

Умуман олганда, республикада банк тизимини шакллантириш жараёнини босқичларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка асосан миллий банк тизимининг иккинчи поғонаси ҳисбланган тижорат банклари қуйидаги мулкчилик шаклида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин:

1. Давлат мулкчилигидаги банклар;
2. Акциядорлик-тижорат мулкчилигидаги банклар;
3. Хорижий сармоя иштирокидаги банклар;
4. Хусусий мулкчилик шаклидаги банклар.

Мамлакатимиз банк тизимида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари таркибини 1.2.1-расм орқали кўриш мумкин.



²⁰Абдуллаев Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: “Молия”.2002. 14 б.

1.2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси банк тизими²¹.

Бу расмдан кўриниб турибдики, 2013 йил 1 январь ҳолатига республикада 29 та тижорат банки фаолият юритган бўлиб, шуларнинг 3 таси давлат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат банки, 9 таси хусусий банк ва 4 таси чет эл капитали иштирокидаги банкдир. Барча тижорат банклари фаолият тури бўйича универсал банклардир. Тижорат банкларининг муассасалари сони йил бошигача 65 тага кўпайиб, 9551 тани ташкил этди, жумладан, банкларнинг филиаллари 829 тага етди. Натижада йил якунлари бўйича 100 минг нафар катта ёшдаги аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани (30 дан ортиғи юқори кўрсаткич ҳисобланади), жисмоний шахслар томонидан банк муассасаларида очилган банк ҳисобварақлари сони катта ёшли 1000 кишига 1027 тани (1000 дан ортиғи юқори кўрсаткич ҳисобланади) ташкил этди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан “юқори” баҳога мувофиқ келади.

Республикада банк инфратузилмасининг кенгайиб бориши (5-илова) банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимиз тижорат банклари фаоллиги ва барқарорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлик кўрсаткичлари унинг бир текис ривожланиб бораётганлигидан дарак беради. Чунончи, 2012 йил якунлари бўйича банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3%ни ташкил этган бўлиб, бу Базель қўмитаси²²

²¹Битирув-малакавий иши натижалари асосида тузилган.

²² Базель қўмитаси 1974 йилда Халқаро ҳисоб-китоблар Банки (*Bank for International Settlements, BIS*) қошида G10 (“Кучли ўнлик”) давлатлари (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада,

томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан 3 баробар кўп бўлган даражани ташкил этди. Буни 1.2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Банк тизими 2012 йилда барқарор ривожланганлиги 2012 йил 28 ноябрдан 7 декабргача республикада бўлган ХВФ миссиясининг яқунловчи баёнотида қайд этилди. “Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намойиш қилишда давом этмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб қолмоқда” ва “...барқарор банк тизими ҳамда ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилди”²³, деб ёзилди баёнотда. 2012 йил 29 августда “Мудис” халқаро рейтинг агентлиги кетма-кет учинчи марта Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиб бораётганлигини тасдиқлади. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги ҳам республика банк тизимининг ривожланиш ҳолатини ижобий баҳолаб, рейтинг баҳосини бир поғона кўтарди. 2011 йилда Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланаётганлигини “Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг агентлиги ҳам қайд этган эди. 2012 йил яқунлари бўйича 28 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингларга эга бўлди. Уларнинг активлари мамлакат бутун банк тизими жами активларининг деярли 100% ини ташкил этади. Шунинг кўрсатиши керакки, етакчи банклар бир вақтнинг ўзида иккита етакчи халқаро рейтинг агентлигининг ижобий рейтинг баҳоларига эга. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (“Мудис”, “Стандарт энд Пурс”), “Асака банк” (“Мудис”, “Фитч Рейтингс”), Ўзсаноатқурилиш банк (“Фитч Рейтингс”, “Стандарт энд Пурс”), “Ипотека банк” (“Мудис”, “Стандарт энд Пурс”) шулар жумласидандир.

Нидерландия, АҚШ, Франция, Швеция, Япония, Швецария) Марказий банклари Президентлари томонидан ташкил этилган. Базель қўмитасининг асосий вазифаси, банк тизимини назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича ягона стандартларни жорий қилишдан иборат. Шу мақсадда Қўмита банк тизимини назорат қилувчи органлар учун тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқади.

²³ ХВФ миссиясининг яқунловчи баёноти. Тошкент, 2012 йил 7 декабрь.

Дунё мамлакатлари иқтисодий тараққиёти тажрибалари ҳар бир давлатни иқтисодий жиҳатдан қудратли қилиш ва ривожлантиришда КБХТнинг юксаклигини тасдиқламоқда. Шу сабабдан ҳам мустақилликнинг илк давларидан бошлаб республикамизда мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда мамлакатимиз банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган чора-тадбирлар соҳа тараққиётида янги имкониятлар очмоқда. Тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва ишончли таянчига айланган мамлакатимиз банк тизими ишбилармонларнинг ишончини тўла қозонишни ўзининг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланган.

Сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан КБХТни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда КБХТ вакиллари бошланғич сармойани шакллантириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда фаолиятини кенгайтириш учун куйидаги кредит ва микромолиялаш хизматлардан фойдаланиш имкониятларига эгалар:

1. Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси. Тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини махсус жамғармага ажратиш йўли билан КБХТ субъектларини имтиёзли фоиз ставкалари асосида молиялаштиради²⁴. Бунда кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори Марказий банк қайта

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сонли “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. <http://www.norma.uz>.

молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади. Бугунги бу ставка йиллик 12 фоизни ташкил қилади.

2. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линияси²⁵. Мазкур жамғармадан КБХТ субъектларига микрокредитлар бериш “Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва дехкон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли кредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомлар асосида имтиёзли шартларда амалга оширилади.

3. Тижорат банкларида мавжуд барча молиялаш манбалари ҳисобидан кредитлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сонли қарорига илова қилинган “Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

4. Кичик бизнес субъектларига имтиёзли микролизинг хизматлари тижорат банклари томонидан собиқ “Бизнес-Фонд”га тегишли кредит линиялари маблағларининг Микрокредитбанкка қайтарилиши натижасида шаклланадиган имтиёзли кредит ресурсларининг бир қисми лизинг компанияларига кредит линияларини очишга йўналтирилади. Ҳозирда кичик бизнес субъектларининг юқорида қайд этилган жамғармалар хизматидан фойдаланиш миқдорини 2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

²⁵ Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси, Дехкон ва фермер хўжалиklarини кўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда собиқ “Бизнес-Фондга қаршли кредит линиялари АТ “Микрокредитбанк”га қайтарилиши натижасида шаклланадиган АТ “Микрокредитбанк”нинг имтиёзли кредит ресурсларидир. <http://www.norma.uz>.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши ва 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга талабнинг ва айти пайтда уларга берилётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микроолиялаш хусусиятлари²⁶

Микроолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкilotлар	Микроолиявий хизматлар				
	тури	Суммаси	фоиз ставкаси	муддати	алоҳида шартлар ва имтиёзлар
Юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари					
Тижорат банклари	бошланғич капитални шакллантиришга қаратилган микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача микдорда	йиллик 2,3%	18 ойгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаслиги лозим
	ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятни ривожлантириш учун микрокредитлар	1000 АҚШ долл. Микдорда	йиллик 4,7%	2 йилгача	50 фоизи нақд пул шаклида
“Микрокредитбанк”	бошланғич сармояни шакллантиришга йўналтирилган микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача микдорда	йиллик 3,0%	18 ойгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаслиги лозим
	фаолиятни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микдорда	йиллик 7,0%	24 ойгача	
	имтиёзли микролизинг хизматлари	энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача микдорда	йиллик 5,0%	3 йилгача	
Дехкон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	бошланғич капитални шакллантириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача микдорда	йиллик 2,3%	3 йилгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаслиги лозим
Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари					
Тижорат банклари	чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 80 баробаригача микдорда	йиллик 14%	3 йилгача	кам таъминланган оилаларга, нақд пул шаклида
	ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва фаолиятни кенгайтириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача микдорда	йиллик 4,7%	2 йилгача	50 фоизи нақд пул шаклида
“Микрокредитбанк”	бошланғич капитални шакллантириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача микдорда	йиллик 3,0%	18 ойгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан ошмаслиги лозим
Бандликка кўмаклашувчи жамғарма	чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 80 баробаригача микдорда	йиллик 3,5%	3 йилгача	фақат кам таъминланган оилаларга, нақд пул шаклида
	оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача микдорда	йиллик 3,5%	2 йилгача	6 ой имтиёзли давр

²⁶ Изланиш натижалари асосида тузилган.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси тижорат банклари билан инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш билан шуғулланувчи ҳамда устав капитали 1 млрд. сўмга тенг бўлган махсус жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Хусусан:

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди. Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу

кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари республикамизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий институтларига айланиши керак. Бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиқиб, ундан фойдаланиш соҳа тараққиётини таъминлашга имкон беради.

1.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланиши иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб келган. Бунинг сабаби у муҳим макроиқтисодий функцияларни ҳал этилишига, жумладан, миллий иқтисодиётни таркибий қисмини такомиллаштириш, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, бандликни таъминлаш, ҳалол рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Шу мақсадда ривожланган мамлакатлар бошқарув тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ва ривожланишини таъминловчи махсус қўмиталар ташкил этилган.

АҚШда кичик бизнес фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш “Кичик бизнес маъмурияти” ҳукумат органи орқали амалга оширилади. Унинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларига кредитлар ва кафолатли қарзлар олишда ёрдам бериш, бепул ахборот хизматлари кўрсатиш, кредиторларга далаи кафолатлари бериш кабилардан иборат.

“Кичик бизнес маъмурияти” томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдам тизими қатор кредит дастурларига мос²⁷. “Кичик бизнес маъмурияти кичик ва ўрта корхоналарга молиявий маблағлар тақдим этишда турли ташкилотлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида қарз сармоясининг 90 фоизигача микдорида кредиторларга давлат кафолатларини беради, бироқ бунда кафолат суммаси 750000 АҚШ долларидан ошмаслиги лозим²⁸”. Кредитлар, аввало, янги корхоналар қуриш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация харажатларига ҳамда федерал буюртмаларни бажариш учун хом ашё ва ускуналар сотиб олишга берилади.

Шуниси диққатга сазоворки, “Кичик бизнес маъмурияти томонидан ажратилган маблағлар кўпинча фойда бермайди, аксарияти, ҳатто, умуман қайтмайди ҳам. Ёрдам олган корхоналарнинг 85 фоизи йил давомида тугатилишига қарамай, маъмурият экспортлари қолган қисмининг муваффақиятли ишлаши бериладиган молиявий қўллаб-қувватлашни тўлиқ оқлайди”²⁹, деб ҳисоблашади.

АҚШда штатлар, шаҳарлар ва ҳатто, муайян ташкилотлар даражасида кичик бизнесга маблағ жалб қилишга кўмаклашадиган дастурларни (камбағаллик даражасини камайтириш; ўз-ўзини иш билан таъминлаш; микрокорхоналарни кенгайтириш дастурлари) яратиш кенг тарқалгандир.

1958 йилда АҚШ Конгресси томонидан “Кичик бизнесга инвестиция тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида мамлакатда кичик корхоналарга инвестициялар бўйича компаниялар очила бошлади. Кичик корхоналарга инвестиция бўйича компаниялар фаолиятини назорат қилиш “Кичик бизнес маъмурияти”га юкланган бўлиб, “1989 йилда 360 дан ортиқ кичик корхоналарга инвестициялар бўйича компаниялар фаолият

²⁷ Маматов Б.С. Кичик бизнесни молиялашнинг чет эл тажрибаси//Бозор, пул ва ркредит. – Т.,2005. №4. 40-б.

²⁸ Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Рук.для предпринимателей.:Пер.с англ. – М.:Дело, 1997. – 283-284 стр.

²⁹ Саматов Р., Рустамов Д. Финансовая поддержка малого и среднего бизнеса: мировой опыт. Экономическое обозрение. – Ташкент, 2000.-№10. – 16 стр.

бошлаётган тадбиркорларга имтиёзли шартларда кредит бериш вазифасини бажарган”³⁰.

АҚШда 1970 йилда мустақил орган сифатида Миллий Кредит уюшмалари маъмурияти ташкил этилди. “АҚШ кредит уюшмалари солиқ тўламайдиган ташкилотлар ҳисобланади. АҚШда кредит уюшмалари сони 7904 тадан иборат бўлиб, уларнинг умумий активи 800 млрд.долларни ташкил этди”³¹. “Amerikan Banker” журналининг тадқиқотларига кўра, ривожланган мамлакатларда кедит уюшмалари аъзоларининг 79 фоизи кўрсатилган молиявий хизматлар сифатидан тўлиқ қониққанлар. Ўз навбатида, банклар кўрсатадиган хизматлардан қониққан миқдорлари миқдори 53 фоизни ташкил қилган³². Бунинг сабаби, кредит кредит уюшмалари ҳар бир миқдорга хизмат кўрсатишда алоҳида эътибор кўрсатгани ва ёндашуви билан бирга миқдорларнинг ушбу институт миқдори сифатида у билан узвий алоқа ўрнатганида ҳамдир.

АҚШда венчур капитали яхши ривожланган бўлиб, у билан шуғулланувчи 600 га яқин мустақил фондлар мавжуд. Венчур капитали – рискли капитал бўлиб, оддий кредитлашдан шуниси билан фарқ қиладики, бунда қарз гаровсиз, ссуда фоизсиз ва олдиндан белгиланган қатъий муддатда қайтарилиш шартсиз берилади. Қарз берувчининг асосий умиди корхона янги маҳсулот турини оммавий тарзда ишлаб чиқаришга эришиб, юқори фойда келтирилишига қаратилади.

Кредит бюрolari фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, Америка Кредит бюро уюшмаси мамлакатда 36000 тумандаги 600000 корхонага кредит тарихи тўғрисида маълумот берувчи 2200 бюрони ўзида бирлаштирган³³.

³⁰ Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Рук.для предпринимателей.:Пер.с англ. – М.:Дело, 1997. – 291 стр.

³¹ www/bis/org интернет сайти.

³² Таджибаева Д.А., Муминов И.О. Микрофинансирование: руководство для микрофинансовкх организаций. – Т.: Молия, 2009. – 11стр.

³³ Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Рук. для предпринимателей. Пер. с англ. – М.:Дело, 1997. 433 стр.

Тажриба шуни кўрсатадики, АҚШда кичик бизнесни кредитлаш механизмини шакллантиришда кичик ва ўрта корхоналарнинг турли хил манбалардан молиявий ресурсларга эга бўлиши ва олидан давлат томонидан яратилган қулай ижтимоий-иқтисодий муҳит асосий роль ўйнайди.

Японияда кичик КБХТни давлат томонидан рағбатлантириш унинг барча босқичларида (рўйхатга олиш, ташкил этиш ва ривожлантириш) олиб борилади. Ушбу мақсадда турли иқтисодий дастаклар тизими қўлланилади: имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари, техник ва маслаҳат ёрдамлари, ахборот-компьютер хизматлари, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к. Бундай ёрдамлар қонунга таянган ҳолда давлат, аралаш ва хусусий тижорат ва нотижорат ташкилотлари, шунингдек, махсус марказлар тизими орқали амалга оширилади. Кичик корхоналар фаолиятини бюджет маблағлари ҳисобига мақсадли молиялаш тизими амал қилади. Японияда кичик корхоналар кредит олишда кредит кафолати бериш ва суғурталаш тизими ҳам ривожланган бўлиб, бу эса кредит олиш муаммосини тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради. Кафолат бериш ва суғурталаш тизими тижорат асосида ишлайдиган жамоат ташкилотлари бўлган 52 та миллий, минтақавий ва маҳаллий вакиллар уюшмасини қамраб олган. 500 дан ортиқ Савдо-саноат палаталари ва унинг филиаллари кичик корхоналарга маслаҳат ва молиявий хизматлар кўрсатади³⁴. Бундан ташқари, кичик ва ўрта корхоналар билан ишлайдиган ихтисослашган банклар ҳам мавжуд: “Regional banks”, “Goro banks”, “Shikhin banks”.

Германия тажрибасида давлат томонидан кичик бизнес корхоналарини кенгайтириш ва таъмирлаш, янгиларини ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йирик компаниялар капиталини жалб қилиш, кредит муассасаларига кафолатлар бериш, шунингдек, кредитлашнинг махсус

³⁴ Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. Учеб.-Т.: Иқтисод-молия,2008. 182-183.

дастурларини техникавий ёрдам, инновацион тадбирлар, модернизация ва технологик ривожлантириш дастурлари) амалга ошириш кабиларни кўришимиз мумкин. Ушбу дастурлар доирасида кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга 266 трлн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди³⁵. КБХТни қўллаб-қувватлаш давлат дастурида тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилади, кейинги йилларда жуда паст ставкаларда фоизлар ундирилади. Шу тариқа тадбиркор бепул дастлабки сармоёга эга бўлади.

Италияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлаш алоҳида ўрин тутди. Ҳар йили бунга тахминан 600 млрд. лира сарфланади. Имтиёзли кредитлаш каби ёрдам турида харажатларнинг 40 фоизигача давлат томонидан қопланиши мумкин. Янги корхоналарни ташкил қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар 15 йилга, фаолият юритаётган корхоналарни замонавийлаштириш ёки кенгайтириш учун 10 йил муддатга берилади. Алоҳида имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорларга берилади, уларга ноишлаб чиқариш харажатлари учун икки йил мобайнида алоҳида ёрдам кўрсатилади. Имтиёзли кредитлаш ташкилотларига имтиёзли солиқ тизими жорий қилинган.

Умуман, ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими алоҳида қизиқиш уйғотади (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими³⁶ (2003 йил 1 январь ҳолатига)

Давлатлар	АҚШ	Канада	Япония	Германия	Франция	Италия	Буюк Британия
Кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг йиллик ҳажмлари, млрд.АҚШ доллари ҳисобида							
Инфратузилмани қўллаб-қувватлашга	0,8	0,45	1,64	1,8	1,5	5,05	1,37

³⁵ Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник. – М.:ИНФРА-М, 2008. – с.511.

³⁶ <http://www.review.uz> сайти.

Кредитлар	21,6	22,8	39,9+2480*	61,9	9,2	15,2	6,3
Кафолатлар	1,67	3,36	x	x	4,7	x	6,3
Кичик ва ўрта корхоналар учун хизмат кўрсатиш инфратузилмаси:							
Молия кредит хизматлари	Банкларнинг, инвестиция фонларининг ва суғурта компанияларининг ривожланган умуммиллий тармоғи (филиаллари) фаолият кўрсатади						
Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш марказлари	1100	521	313	374	600	1200	450
Ахборот марказлари	1100	521	13	33	34	50	45
Бизнес-инкубатор ва технопарклар	330	186	11	182	216	26	471
Экспортни ривожлантириш марказлари	20	15	30	28	26	123	60
Ижтимоий марказлар	118	41	186	90	41	x	98

*-хусусий кредитлар

Бангладешда кредитлаш ва микромолиявий хизматларни амалга оширувчи асосий институт профессор Муҳаммад Юнус томонидан асос солинган дунёга машхур Грамин банкидир. Банк ўз фаолиятини 1976 йилда камбағал аҳолига гаров талаб қилмасдан гуруҳли кафолатлаш асосида микрокредитлар беришдан бошлади ва 1983 йилда ҳукумат қарори билан мустақил банкка айлантирилди³⁷. 2007 йил август ойида мазкур банкнинг 2500 та филиали 80000 та қишлоқда фаолият кўрсатиб, жами қишлоқларнинг 90 фоизини қамраб олган. Грамин банки томонидан муқобил кредитлаш схемалари ишлаб чиқилган: уй-жой кредитлари, қишлоқ хўжалиги кредитлари, жамғармалар қабул қилиш асосида кредитлаш. Гуруҳ фаолияти ҳар ҳафтада йиғиладиган кичик жамғармалардан бошланади. Гуруҳга аъзолик давомида аъзоларнинг тўлаган бадаллари ҳисобига доимий шаклланиб бориладиган жамғарма ташкил қилинади. Мажбурий жамғарма кредит олишга 4-8 ҳафта қолганда тўлдирилиши керак. Дастлаб гуруҳнинг фақат икки аъзосигина кредит олиш имкониятига эга бўлади. Улар шу қарзларни 50 ҳафта ичида тенг миқдорда тўлаб боради. Ҳар доим ссуда олаётган гуруҳ аъзоси олинаётган ссуданинг 5 фоизини гуруҳ фондига қўйиш керак. Агар гуруҳ аъзоси олган қарзини қайтара олмаса, уни қайтариш масъулияти гуруҳ ўз зиммасига олади. Кредитлар 6 ойдан 1 йил муддатгача, кредитнинг ўртача миқдори 100-300

³⁷ <http://www.review/uz> сайти.

АҚШ долларини ташкил этиб, йиллик 20 фоиз ставкада берилади. Гуруҳий кафолат асосида кредитлашнинг афзаллиги кредит гуруҳ аъзоларининг жавобгарлиги асосида гаровсиз тақдим этилиши ва гуруҳ бўлиб гуруҳ кафолати хизмат қилишидир. Гуруҳ томонидан қилинган босим кредитни ўз вақтида қайтаришга имкон беради. Шунингдек, кредитни қайтариш учун гуруҳ аъзоларининг мажбурий ажратмалар шакллантирилиши мумкин. Умуман, Бангладеш кредитлаш тизими кам таъминланган аҳолининг кенг қатламини қамраб олганлиги ва гуруҳ кафолати асосида кредитлаш амалиёти ривожланганлиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатларда кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида уларнинг давлат буюртмаларини бажаришда қатнашиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда давлат буюртмаларини бажариш бир қатор афзалликларга эга. Бу ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳам субсидиялар, ҳам тақчил хом-ашё билан таъминлаш, ҳам бошқа имтиёزلарни ташкил этади. Бундан ташқари, давлат буюртмаларини бажариш давомида тадбиркор рақобатчилар тўғрисида ташвиш чекмайди, асбоб-ускуналардан тўла, иш кучидан унумли фойдаланиш имконияти юзага келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун барқарор ва юқори ҳақ олинади. Шу сабабли кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмаларини бажаришда қатнашиши уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос шакллари билан бири ҳисобланади.

Шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимида уларга бошқарув, техник ва ахборот ёрдамларини кўрсатиш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда барча ривожланган мамлакатларда маслаҳат хизматлари, турли хил курслар, ахборот марказлари тармоғи мавжуд. Бу шакл айниқса, АҚШда кенг тарқалган бўлиб, у ердан турли йўналишдаги 1860 та муассаса кичик фирмаларга маслаҳат хизматларини кўрсатадилар, 250 та университет ва

коллежда таълим жараёнига кичик корхоналар хўжалигининг турли жихатларини ўрганиш курслари киритилган.

Буюк Британияда ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилади. Жумладан, бу борада Лондон, Манчестер, Глазго, Дюрам ва Ворвик каби университетлари бизнес мактаблари энг обрўли ҳисобланади. Ҳар йили бу мактабларни 200 минг киши битиради.³⁸

Германияда тадбиркорликни ўқитиш савдо-саноат палаталари тизими орқали амалга оширилади. Улар ҳар йили янги тадбиркорлар учун семинарлар ўтказадилар.

КБХТни кредитлашнинг хориж тажрибасида қўлланиладиган услубиётни умулаштириш асосида (6-илова) Ўзбекистонда унинг намоён бўлиш тенденцияларини кузатиш мумкин. Улар давлат томонидан КБХТни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича махсус фондларнинг, хусусан, имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, Иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат фондлари, банкдан ташқари кредит ташкилотларининг, солиқ имтиёзлари мавжудлиги, КБХТ инфратузилмасининг яратилгалиги ва шу кабилардир.

Фикримизча, юқорида кўриб ўтилган мамлакатлар тажибасидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банкларининг хизматларини кам таъминланган аҳоли турмуш даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий фаоллигини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби аниқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга йўналтириш зарур. Шунингдек, кредит олувчи КБХТ субъектлари билан яка тартибда ишлаш, кредит буюртмаларини ўрганиш ва тезкорлигини таъминлаш, Бангладешдаги Грамин банки тажибасидан келиб чиқиб, гуруҳ кафолати асосида

³⁸М.Р. Болтабоев, М.С. Қосимова, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б.К. Ғойибназаров, А.Н. Самадов, Р. Ходжаевлар “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” // Ўқув қўлланма. Тошкент. 2010 40-бет.

кредитлаш амалиётини изчил ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш зарур.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, КБХТни ривожлантириш улар учун давлат томонидан қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар яратилгандагина мумкин бўлади. Эндиги вазифа миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишдан иборат.

1-боб бўйича хулоса

Мавжуд қонунчиликка мувофиқ моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ўз тажрибаси ва билими, яратувчанлик ва асосида фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – тадбиркорлик; амалдаги қонунлар доирасида ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб, шу жумладан, товар ва хизматлар яратиш орқали фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятни – бизнес; тадбиркорлик субъектларининг қонун доирасида ўз ва ўзга маблағлар ҳамда интеллектуал салоҳияти эвазига яратувчанлик ва риск асосида турли иқтисодий ўзгаришларга тез мослашувчи, аҳолининг талабини қондирувчи маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – хусусий тадбиркорлик, деб таърифланишини ўринли, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорлик яратувчанлик хусусияти билан бизнестан фарқланади ва “кичик” сўзи мулк шаклини эмас, фақатгина, корхона кўламини тавсифлайди.

Мамлакатимизда тижорат банклари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги ва 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонунлари асосида шакллантирилган ва тартибга солиб турилади. Ушбу қонунчиликка асосан

бизнинг мамлакатимизда кўплаб ривожланган мамлакатлардаги каби икки поғонали банк тизими фаолият кўрсатиб келмоқда. Миллий банк тизимининг биринчи поғонасида қоғоз пулларни эмиссия қилишда монопол, бошқа тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб турадиган “банклар банки”, мамлакатда пул муомаласини тартибга солиб турадиган ва олтин валюта захирларини сақловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки туради.

КБХТни кредитлашнинг хориж тажрибасида қўлланиладиган услубиётни умулаштириш асосида Ўзбекистонда унинг намоён бўлиш тенденцияларини кузатиш мумкин. Улар давлат томонидан КБХТни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича махсус фондларнинг, хусусан, имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, Иш билан бандликка кўмаклашувчи давлат фондлари, банкдан ташқари кредит ташкилотларининг, солиқ имтиёзлари мавжудлиги, КБХТ инфратузилмасининг яратилгалиги ва шу кабилардир.


II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Мамлакатимизда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати ва таҳлили

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикаимизда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига давлатимиз сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес соҳасининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик даврида микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш жараёни иқтисодиётни босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, уни эркинлаштириш, хусусий сектор ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур соҳада йил сайин ижобий ютуқ ва иқтисодий ўсишга эришганлигини кўриш мумкин. Хусусан, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш асосида унинг ЯИМдаги улуши 2010 йилги 52,5 фоиздан 2016 йилда 56,9 фоизга ошди ва бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 25,9 пунктга ошди (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. ЯИМ ўсишида кичик тадбиркорликнинг улуши, фоиз³⁹

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми таркибида кичик бизнеснинг улушига баҳо берамиз.

2.1.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришдаги улуши, фоиз ҳисобида⁴⁰

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
ЯИМ	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1	52,5	54,0	54,6	55,8	56,1	56,5
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	17,9	18,8	21,9	23,1	28,1	31,7	40,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	94,0	97,6	97,7	97,8	97,8	97,7	97,8	98,1	98,3	98,4
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	28,5	31,9	35,3	32,7	34,8	35,8
Қурилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	42,4	53,1	68,6	71,1	71,5	69,5	66,7
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	47,8	85,1	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1
Пуллик хизматлар	52,5	50,8	50,1	48,5	46,9	47,0	46,3	44,9	46,2	48,6	50,5

³⁹ Ўзбекистон иқтисодиёти.

⁴⁰ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жами хизматлар	х	х	44, 1	44, 2	44, 1	45, 7	46, 1	46,8	48, 9	51,5	55, 6
Бандлик	64, 8	69, 1	72, 1	73, 1	73, 9	74, 3	75, 1	75,6	76, 7	77,6	77, 9

2.1.1-жадвал маълумотларига асосланиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тармоқлар таркибидаги улуши ҳар бир тармоқ бўйича ошиб борган. Масалан, саноатдаги улуши 2005 йилдан 2016 йилга келиб мос равишда 10 фоиздан, 40,6 фоизгача ошган. Аҳоли бандлигини таъминлашда эса ҳозирги кунда жами банд аҳолининг 77,9 фоиздан ортиғи ушбу соҳада бандлиги ҳам ушбу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.


Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида, аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади

2016 йил қурилиш соҳасидаги кичик бизнес фаолиятида эришилган кўрсаткичлар жиҳатидан муҳим бўлди. Амалга оширилган қурилиш ишлари улуши 2011 йилдаги 68,6% ўрнига 66,5 %гача қисман пасайди. Кичик тадбиркорлик томонидан уй-жой шаҳарчалари қурилиши билан бир қаторда ижтимоий инфратузилма объектлари, қишлоқ врачлик пунктлари, умумтаълим муассасалари, хизмат соҳаси объектлари қурилиши амалга оширилди. Андижон ва Самарқанд вилоятларида барча қурилиш ишлари ҳажмларининг 90,0%дан ортиғи кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилди. Жиззах, Наманган, Сирдарё, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ҳам қурилиш ишларида КТ улуши республика бўйича ўртача даражадан юқори бўлганлиги қайд этилди.

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида КТ салмоғи 2011 йилдаги 46,5% ўрнига 50,5%га ўсди. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг пасайишига Андижон вилоятидан бошқа амалда ҳамма минтақаларда йўл қўйилди. Андижон вилоятида уларнинг ҳажми 60,6%гача қўпайди. Пасайишнинг

асосий сабаби қишлоқ-туманларда хизматлар кўрсатувчи субъектларга юқори солиқлар солинаётганлигидан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг импорт умумий ҳажмидаги салмоғи 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 44,5%ни ташкил этди, бу эса 2006 йил даражасидан 10,8 пунктга миқдорида ортиқдир. Импортнинг тузилмаси йирик саноат корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш дастурларини рўёбга чиқариш учун четдан келтириляётган қора ва рангли металллар улуши юқорилиги билан ажралиб туради.



2.1.2-расм. Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг салмоғи⁴¹, фоизда

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири - аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

⁴¹ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш асосида тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилишда ҳуқуқий жиҳатдан қатор афзалликларга эга бўлишига қарамай, экспортни импортдан оширишга эришганларича йўқ.

Аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсиши кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча хўжалик субъектларининг 87 фоизи нодавлат мулкчилик шаклига эга бўлган кичик ва хусусий бизнес корхоналаридир. Ялпи ички маҳсулотнинг 83,6 фоиздан ортиғи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 90 фоиздан кўпроғи, деярли барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

2010-2016 йиллар давомида республика бўйича ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 фоизга ортган. 2017 йил давомида эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилади. 25 мингта яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришилади.

2015 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 77,9 фоизи фаолият кўрсатди(2.1.3-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиёт бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди.


Бугунги кунда юртимизда аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

– иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизғин қўллаб қувватланмоқда;

– аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;

– аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.




2.1.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улуши.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг

моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мустақилликнинг дастлабки йилларида яъни 1996 йилда 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда ушбу ставкаси 5 фоизни яъни 7,6 марта камайганлигини 2.1.4-расмдан билиб олишимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2014-2016 йилларда ҳам шу даражада сақланиб қолинди.



2.1.4-расм. Ягона солиқ тўлови ставкасининг йиллар давомида ўзгариш динамикаси таҳлили, фоизларда⁴²

Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришда субъектлар фаолиятини айнан солиқ ставкаларини пасайтириш тарзида берилган имтиёзнинг амалиётда самарали ишлаши натижасида улар фаолиятини янада ривожлантириш имконияти юзага келиб, солиқ имтиёзининг берилиши натижасида корхоналарда тежаб қолинган ресурсларни ўз фаолиятларига қайта реинвестиция қилиш имконияти юзага келди. Бунинг натижасида эса солиққа тортиладиган базанинг кўпайишига ҳамда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектлари томонидан Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ҳажмининг ўсиши кузатилди.

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мудатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмига камайтирилди. Шунингдек, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди, ишлаб чиқаришни барқарор суръатларига ва рентабеллиги ўсаётган кичик тадбиркорлик субъектлари уч йил давомида солиқ текширувларидан озод қилинди. Амалга оширилган текширувлар натижаларига мувофиқ қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳамда молиявий санкцияларни олти ой давомида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш улар фаолияти билан бир қаторда ҳисоб ва ҳисобот тизимини ҳам қамраб олмоқда. Янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг амалга киритилиши билан ҳисоботларни электрон алоқа воситалари ва электрон ахборот ташшувчиларда топштртш тартиблари жорий этилди. Ҳисоб тизимини такомиллаштириш ва ҳисоботларни тузиш ҳамда тақдим этишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган омиллардан бири ҳисобланиши сабабли мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4354-сонли Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминлаш вазифаси белгилаб қўйилди.

Электрон ҳисобот тизимини амалиётга жорий қилиш:

- солиқ тўловчиларга қулайлик яратади;
- солиқ қонунчилигини ижросини назорат қилишни осонлаштиради;

– солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган ахборот хизматлар сифатини оширади;

– солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фикримизча, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш корхоналар маблағларини тежаш ва маблағлардан самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Шунингдек, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда топшириш механизми ҳисобот топшириш учун кетадиган вақтни тежаш ва ҳисоботларни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштиришга ва солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажарилиши билан бирга тезкор қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотлар олиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2012 йил 16 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат статистика, солиқ ва бошқа органларга топшириладиган ҳисоботлар сони ва даврийлиги қисқариши билан бирга рухсат бериш тамойиллари ҳам соддалаштириладиган бўлди.

Мазкур ҳужжат қабул қилинганга қадар, йирик корхоналар 6 турдаги, микрофирма ва кичик корхоналар учун эса 3 турдаги молиявий ҳисоботлар топшириш тартиби амал қилар эди.

Мазкур фармонга мувофиқ жорий йилнинг 3-чорагидан бошлаб кичик бизнес субъектлари тоифасига кирмайдиган корхоналар “Асосий воситалар тўғрисида”ги ҳисобот ва “Дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисидаги маълумотнома”ни, кичик бизнес субъектлари эса “Дебитор ва кредитор қарзлари тўғрисидаги маълумотнома”ни топшириш мажбуриятидан озод этилди. Ушбу ҳисоботлардан олинадиган ахборотлар

бошқа статистик ва бухгалтерия маълумотлари билан тўлдириладиган бўлди. Шунингдек, мазкур фармонда давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, 80 та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш ҳам кўзда тутилгани айтилган бўлди, деб ўйлаймиз.

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

– тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомилларини белгилашга йўл қўймаслик;

– рухсат бериш тартиб-таомилларининг тиниқлиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;

– рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига қўйиладиган талабларнинг бирлиги ҳамда бундай ҳужжатлар «бир дарча» принципи бўйича берилиши.

«Бир дарча» принципини жорий этишнинг афзалликлари:

– давлат хизматларининг сифати ва қулайлиги ошиши;

– фуқаролар ва ташкилотларнинг хизматларни олиш тартиби ва шартларидан хабардорлиги ошиши;

– тартиб-таомилларнинг соддалашуви ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари қисқариши;

– “бир дарча” технологиясидан фойдаланганда ариза берувчидан идоралараро ахборот алмашиш жараёни яширилади;

– ариза берувчи ўзи ҳақидаги ахборотни бир идорадан олиб, бошқасига тақдим этиш мажбуриятдан озод қилинади. Бу принцип энг кам миқдордаги ҳужжатларни бирон-бир хизматнинг битта мутахассисига фақат бир марта топшириш имконини беради.

Аммо таъкидлаш жоизки, амалга оширилган чора-тадбирларга карамасдан бугунги кунда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришда қатор муаммолар учраб турибди. Мазкур муаммолар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилиши долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бизнингча, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодиётдаги мавқеидан келиб чиқиб, уни кенг ривожлантириш заруриятини Ўзбекистонда қуйидаги омиллар ва шарт-шароитлар тақозо этмоқда:

биринчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, мазкур соҳа соғлом рақбат муҳитини шакллантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш асосида катта маблағ сарфламасдан, ички имкониятларни ишга солиш эвазига ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўрта мулкдолар синфини шакллантириш имконини беради;

учинчидан, мамлакатимиздаги қулай шарт-шароит, хусусан, табиий бойликлар, аҳоли сони ва меҳнат ресурслари ўсиш тенденциясининг юқорилиги;

тўртинчидан, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш инфратузилмасининг ривожланаётганлиги мазкур соҳа тараққиёти учун катта молиявий имкониятлар яратиб берилаётгани.

2.2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, банклар томонидан мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланиб, мазкур соҳага жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан,

Ўтган давр мобайнида банк тизимида давлатимиз раҳбарининг кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектларини кредитлашга оид қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилиниб, унда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектлари учун имтиёзли кредит ва микрокредит хизматлари жорий қилинди. Кредитлаш жараёнлари соддалаштирилди. Тижорат банклари микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектларининг молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш мақсадида ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан имтёзли кредитлаш жамғармасини ташкил этдилар. Тижорат банклари орқали бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларидан имтиёзли кредитлар берилмоқда. Шунингдек, “Микрокредитбанк” томонидан янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ва микролизинг хизматлари кўрсатилмоқда.

Мамлакатимизда микрокредитлар кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан янги шакли ҳисобланади. Кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса, микрокредитлар аллқачон кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашнинг муҳим манбаига айланган. Бу эса, кичик бизнес субъектларини микрокредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида, кичик бизнес субъектларини микрокредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– кичик бизнес субъектларининг сезиларли қисмида банк кредитларидан фойдаланиш учун юқори ликвидли гаров объектларининг мавжуд эмаслиги;

– кичик бизнес субъектларида айланма маблағларнинг етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги;

– кичик бизнес субъектларининг ўз маблағлари билан кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўртасида сезиларли фарқнинг мавжудлиги;

– тижорат банкларида ресурсларнинг етарли эмаслиги натижасида кредитлашнинг муқобил манбаларига нисбатан талабнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йилнинг 21 июнида қабул қилинган ҳамда Олий мажлис Сенати томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонун республикада микрокредитлашнинг, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини микрокредитлашнинг бирламчи ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, “Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир”.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, “Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баровари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шarti асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир”.

Шунингдек, Қонуннинг 6- моддасига мувофиқ, “Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади”.

Шуниси характерлики, дастлабки (бошланғич) сармойни шакллантиришга кредитлар – микрокредит шаклларида бири,

микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс мақомига эга) учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача ва кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 300 бараваригача миқдорда бўлади.

Бандлик жамғармаси кредитлари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 150 бараваригача миқдорида ажратилади. Бундан ташқари, Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан кредитлар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилади.

Республикамиз тижорат банклари қарз олувчиларга микрокредитларни шартномавий асосда 3 йилгача муддатга беришни амалга оширади. Микрокредитларни 50 фоизигача бўлган миқдори 1,5 йилга (18 ойга) қадар бўлган муддатда сўндириш шарти билан нақд пул кўринишида берилиши мумкин. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган, “Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тўғрисида”ги Низом”га мувофиқ, имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар бериш муддатлари кредит берилаётган тадбирнинг ўзини қоплашига боғлиқ бўлади, яъни:

- хом-ашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш учун зарур бўлган айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига, қоидага кўра, 1 йил муддатгача берилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар фермер хўжаликларига, шунингдек,

юримдик шахс бўлган деҳқон хўжаликларига, қонидига кўра, камида 2 йил муддатга берилади;

- инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун кредитлар кичик тадбиркорлик барча субъектларига, шу жумладан юримдик шахс бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган айланма маблағларни тўлдириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган кредитларни қайтаришнинг энг узок муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда, 30 ойдан ошиши мумкин эмас, форс-мажор ҳолатлари бундан мустасно. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган айланма маблағлари учун берилган бошқа кредитлар бўйича улардан фойдаланиш муддати, қайтариш муддатини узайтиришни ҳисобга олган ҳолда, 12 ой этиб белгиланади.

Кичик бизнес субъектларини микрокредитлашда берилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари муҳим роль ўйнайди. Чунки фоиз ставкаси кредитларнинг баҳоси ҳисобланади. Шу сабабли, кредитнинг фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, уни қайтариш шунчалик қийин бўлади. Республикамизда микрокредитлардан фойдаланиш учун фоиз ставкасининг миқдори кредит олувчи билан банк ўртасида кредит шартномасига асосланган ўзаро келишув бўйича белгиланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси кредитланадиган инвестиция лойиҳаларининг йўналишларига боғлиқ ҳолда қуйидаги ҳажмларда белгиланади:

– дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми;

– деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, фермерлик иншоотлари

қурилишига – Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми;

– бевосита ишлаб чиқариш соҳаси, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом-ашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи;

– хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун, жумладан, аҳолига маиший, тиббий, сайёҳлик-экскурсия ва меҳмонхона хизмати кўрсатиш, автомобиллар ва бошқа техника таъмири бўйича хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш учун Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдоригача.

Тижорат банкларнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари Марказий банкнинг микрокредит берилиши кунда қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини 1/4 қисми (бугунги кунда йиллик 3 фоизни ташкил этади) миқдорида имтиёзли фоиз ставкаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар аниқ белгиланган мақсадларга ишлатилади. Бунда асосий мақсадлар сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

– кичик ускуналарни харид қилиш;

– ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш ҳайвонлар, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоялаш кимёвий воситалари, маданли ўғитлар сотиб олиш;

- хом-ашё ва материалларга дастлабки ишлов бериш;
- меҳнат воситалари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура сотиб олиш;
- халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизматларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш;
- сайёҳлик индустриясини ривожлантириш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

“Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, микрокредитлар қўйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

- илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни сўндириш;
- тамаки ва алкаголли ичимликларни ишлаб чиқариш;
- савдо воситачилик фаолиятини амлга ошириш;
- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни харид қилиш.

Кичик бизнесни микрокредитлашнинг ҳуқуқий базаси такомиллашиб бориши билан уни олиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ҳам соддалаштириб борилди. Хусусан, микрокредит олиш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган

тадбиркорлар учун атиги 3 та, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар учун 4 та ҳужжатни тақдим этиш лозимлиги белгиланди.

Жумладан, юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари микрокредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

– сўралаётган кредит суммасини кўрсатган ҳолда кредит олиш учун ариза;

– олинаётган кредитдан фойдаланиш мақсадлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор ёки деҳқон хўжалигининг раҳбари паспортини шахсан кўрсатади, унинг кўчирма нусхаси кредит йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари эса юқоридагиларга қўшимча равишда, Давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи тасдиқлаган, охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл), шунингдек, 90 кундан зиёд қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл) – деҳқон хўжаликларидан ташқари.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarининг ҳамда юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг дастлабки (бошланғич) сармойани шакллантиришга микрокредитлар бериш борасидаги кредит буюртмасини кўриб чиқиш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Кредитни расмийлаштириш тартиби кредитни олишга оид буюртномани кўриб чиқишдан бошланади. Кредит буюртномасида қуйидагилар кўрсатилади: кредитдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқий-ташкилий тузилмаси, фаолият тури, устав сармойеси таркиби, субъектнинг

даромадлилиги ва кредитни қайтариш режаси, мол етказиб берувчи ва харидорлар ҳақидаги маълумотлар, маҳсулот маркетинги, мажбурият ижроси ҳамда мижознинг кредит тарихи кабиларни ўрганади.

Шундан сўнг кредит олувчининг кредитга лаёқати таҳлил этилиб, тоифага ажратилади. Биринчи тоифага мансуб бўлганларга кредит умумий асосларда ва имтиёзли тартиб қўлланиши мумкин. Иккинчи тоифага мансуб бўлганларга кредит умумий асосларда ва агар қўшимча ижобий кўрсаткичлар бўлса, маълум имтиёзлар берилиши мумкин. Учинчи тоифага мансуб бўлганларга камдан-кам ҳолларда фақат ликвидли мол-мулк гаровга қўйилганда берилади, бунда юқори фоиз ставкаси белгиланади. Кредит қобиляти учинчи тоифадан паст бўлган қарз олувчилар кредитни қайтариш имконияти етарли эмас деб ҳисобланади ва уларга кредит берилмайди.

Кредит лойиҳаси ва унга таалуқли ҳужжатлар тўплами кредит кўмитаси томонидан ўрганилиб, белгиланган тартибда ёзма равишда қарор қабул қилинади. Унга кўра Кредит шартномаси тузилади ёки кредит лойиҳасига банк томонидан кредит ажратмаслиги ҳақида ёзма рад жавоби берилади.

Банкда кредит олувчи учун махсус ҳисоб-рақами очилади, кредит унга ўтказилиб, кредит шартномаси шартлари бажарилиши назорати қилинади. Бу босқичнинг асосий мақсади кредит маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, фоиз тўловларини ўз вақтида тўлаб борилиши, шунингдек, кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашдан иборатдир.

Белгиланган кредитнинг ишлатилиши устидан мониторинг ўрнатилади. У кредитни ўзлаштириш аҳволини назорат қилиб, ундаги ўзгаришлар ва тегишли чоралар кўриш тизимини кўзда тутди. Унинг мақсади кредит ва унга ҳисобланган фоизларнинг ўз муддатида қопланишини таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, мониторингнинг яна


бир муҳим томони кредитни қоплашнинг иккиламчи манбаи – унинг қайтарилиши таъминотини текшириш ҳисобланади.

2000 йил 21 мартдаги “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида тижорат банклари ёрдамида микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектларини кредитлаш масалалари банкларни рағбатлантириш орқали бозор дастаклари ва механизми асосида ҳал қилиниши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжалиklarини кредитлашда иштирок этаётган ҳамда хусусий омонатчилар депозитлар бозорида фаол ишлаётган банклар учун қўшимча солиқ имтиёзлари берилиши банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун пойдевор яратди.

Ҳозирги вақтда микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектлари томонидан кредит ва бошқа молиявий хизматларга талабнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Шунинг учун банк тизимининг асосий вазифаси иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашни кенгайтириш, унинг тартибини такомиллаштириш ҳамда янги иш бошлаётган ва қайта ташкил этилаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш тараққиётини рағбатлантиришнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар ҳажми 2016 йилда ҳам барқарор суръатларда ўсиб борди. Улар асосан «2015-2019 йилларда устувор равишда иқтисодиётнинг sanoat тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари»га киритилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.


Хусусан, 2016 йил давомида корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 12,2 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитлар динамикаси, млрд сўм⁴³


Шу билан бирга, қишлоқ аҳоли пунктлари архитектура-режалаштириш қиёфасини тубдан яхшилаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш орқали қишлоқ аҳолиси ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, қишлоқ жойларида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш мақсадида 2016 йилда тижорат банклари томонидан 13 мингта яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун 1,6 трлн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

⁴³Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



2.2.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, миллиард сўм.

2.2.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, миллиард сўм.

Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи корхоналарга 2752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, мазкур даврда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди.

Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга кўп миқдорда кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган ушбу кредитлар 2016 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди.

Умуман, тижорат банклари томонидан микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш молиялашдаги ижобий ўзгаришлар, аввало, соҳани, ривожлантиришга Хукуматимиз томонидан алоҳида эътибор берилётгани натижасида кредитлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси такомиллашиб бориши асосида микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектлари томонидан кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари тобора яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

2.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни

ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кредитлаш тизимининг таъсирчанлиги ва аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини оширишнинг муҳим элементи, ишсизликни бартараф этиш ҳамда ташкил этилган корхоналарни ривожлантириш учун янада ортиб боради.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айнан, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш ва улар даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан “Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади”⁴⁴, - деб таъкидланиши, ўз

⁴⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. 47-б.



ўрнида, тижорат банклари ва кредит институтлари равнақи ва қулай бизнес муҳитини яратиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатларда тараққий топиши зарурлигини англатади.

Кичик бизнеснинг ривожланиши қуйидагиларга хизмат қилади:

- янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлик даражасини оширади;
- бозор конъюнктураси ўзгаришига тезкор таъсир этиш имкониятини беради;
- маҳсулотларни қисқа муддатда сотиш ва истеъмол жойларида маҳсулот ишлаб чиқаришни жойлаштиради;
- йирик саноат корхоналари учун бутлочи қисмлар ишлаб чиқаради.

Жаҳон мамлакатлари амалиётида ҳозирги инқироз шароитида бир қатор муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг салбийлашуви кузатилмоқда, яъни ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад пасаймоқда, инфляция суръати, ишсизлик даражаси ортмоқда, бюджет дефицитининг вужудга келиши каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Кредитлаш ёрдамида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар сонини кўпайтириш орқали улардан олинadиган солиқ тўловларини кўпайтириб бюджет даромадларини шаклланиши орқали ЯИМга таъсир этиши, бу орқали эса аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад миқдорининг ошишига, ички бозорда талабнинг вужудга келиши туфайли товарлар ишлаб чиқариш миқдорининг ошишига, бу эса бевосита инфляция суръатининг камайишига ҳамда ишсизларни кичик бизнесга жалб қилишга таъсир этади ва натижада иқтисодиётни қайтадан ислоҳ қилиб боришга кўмаклашади. Буни қуйидаги расм орқали изоҳлашимиз мумкин:



2.3.1-расм. Кредитлашнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири⁴⁵.

Жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози шароитида молиявий нуқтаи назардан номутаносибликлар вужудга келган бир пайтда эндигина ўз фаолиятини бошлаётган ва фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва унда имтиёзли кредитлар кўламини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, имтиёзли кредитлаш, нафақат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашади, балки миллий иқтисодиётда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга кўмаклашишнинг самарали воситаси ҳамдир. Буларни эса кўйидагича изоҳлаш мумкин:

2010 йил якунларига кўра кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 52,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил якунида 54,0 фоиз, 2016 йилнинг якунларига келиб, 56,9 фоизга етди⁴⁶.


Бугунги кунда Ўзбекистонда ўн йилдан ортиқ давр давомида юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминлаб келинаётганини жаҳондаги мураккаб иқтисодий вазият, молиявий беқарорлик ва глобал инқироз таъсирининг давом этаётгани шароитидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мазкур натижаларнинг аҳамияти нечоғлиқ юқори ва муҳим эканлигини кўрсатади (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. Ҳозирги шароитда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган салбий тенденциялар

Бу борада Халқаро валюта жамғармасининг жаҳон иқтисодиёти ва айрим мамлакатлар учун 2015 йилдаги иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда 2016 йил учун прогноз кўрсаткичларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (2.3.3расм).

2.3.3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 2015 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 3,1 фоизни ташкил этган. Бу асосан ривожланаётган мамлакатларнинг ўртача 4 фоизли ўсиши ҳисобига эришилмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари нисбатан паст – 1,9 фоиз даражасида бўлган. Узоқ йиллардан буён юқори ўсиш суръатларини намоён этиб келаётган Хитой ҳам 2015 йилда 6,9 фоизли ўсиш суръатига эришиб, ҳатто бу кўрсаткич кейинги йилда яна ҳам пасайиши прогноз қилинмоқда. Энг мураккаб вазият МДҲ мамлакатларида кузатилмоқда – 2015 йилда 2,8 фоизли иқтисодий пасайиш рўй берган. Айниқса, бу пасайиш Россия Федерациясида сезиларли даражада бўлиб, олдинги йилга нисбатан 3,7 фоизни ташкил этган. Қозоғистон Республикаси эса ҳаттоки 1 фоизли даражадаги ўсиш суръатига эришолмаган. ХВЖнинг прогнозлари қанчалик оптимистик руҳда бўлмасин, 2016 йилда МДҲ мамлакатлари бўйича ўртача 0 даражали ўсиш кутилаётган бўлса, Россияда бу муаммо ўзининг кескинлигини сақлаб қолмоқда.




2.3.3-расм. Жаҳон иқтисодиёти ва айрим мамлакатларнинг ўсиш суръатлари, фоизда⁴⁷

Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги энг аввало унинг қандай омиллар эвазига таъминланаётганлигига боғлиқ. Чунки, айнан ташқи бозорга ҳам ашё ресурслари, жумладан, углеводород ҳам ашёларини сотиш эвазига миллий маҳсулотининг ўсишини нафақат таъминлаб, балки юқори суръатларини намоён этиб келган кўплаб мамлакатлар бугунги, яъни жаҳон бозорида ҳам ашё ресурслари, айниқса нефтнинг нархи кескин пасайиб кетган бир шароитда мушкул ҳолатга тушиб қолдилар. Мазкур ҳам ашёларнинг нисбатан юқори нархлари шароитида тузилган ривожланиш стратегия ва режалари муваффақиятсизликка учраб, аксарият ҳолларда инқироз “кўчалари”га кириб қолдилар.

Глобал жаҳон иқтисодиётидаги юқорида баён этилган жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамадан, 2016 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминлаганимиз ўзига хос ижобий кўрсаткич бўлди (2.3.4-расм).

⁴⁷ Манба: Халқаро валюта жамғармаси, 2016 йил январь.



2.3.3-расм. Ўзбекистонда ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда⁴⁸.

2.3.3-расмдан кўринадикки, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди. Бирок, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминланмоқда. Бунда айниқса, имтиёзли кредитлашнинг ўрни янада ортиб боради. Чунки микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришни ривожлантиришда имтиёзли кредитлаш кўламини ошириш орқали ЯИМнинг асосий қисми яратилади. Бу соҳада ҳозирги кунда аҳолининг 75,7 фоизи банддир.

Жаҳонда кўплаб мутахассислар молиявий-иқтисодий инқироз шароитида микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш

⁴⁸ Ўзбекистонда Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш муҳимлигини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистон Республикасида глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамасдан бу соҳани янада ривожлантириш ва молиявий-қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 2011 йилда 7 фоиздан 6 фоизга, 2012 йилда эса, 5 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

2. Молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидентларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Шунингдек, инқирозга қарши чоралар дастурида хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

4. Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига “Микрокредитбанк” томонидан микромолиялаштириш тизимида унинг

мижозларига хизмат кўрсатиш учун бир мунча енгилликлар яратилди ва ушбу банк томонидан микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектларига бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сонли Фармониغا асосан камайтирилди:

– бошланғич сармояни шакллантириш бўйича бериладиган кредитлар учун фоиз тўловлари 5%дан 3%га;

– микролизинг хизматлари бўйича эса 7% дан 5%га туширилди.

5. Микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бўлган “Микрокредитбанк”нинг низом жамғармасини 78 млрд. сўмдан 150 млрд. сўмга кўпайтиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди.

6. Янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

7. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, улар учун

2012 йилнинг 1 январигача қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилди:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

– тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни савдо ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан жами 6,1 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линияларини жалб қилишни фаоллаштириш орқали кичик бизнес субъектларини 2013 йилда 110 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда молиялаштириш режалаштирилган. Ана шу кредит маблағларини ажратишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция мақсадларига, уларнинг бошланғич капиталини шакллантиришга ҳамда микрокредитлаш кўламини кенгайтиришга қаратилади. Шунингдек:

– узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, дехқон ва фермер хўжаликларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмларини янада кенгайтириш;

– хизмат ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш бўйича

“Микрокредитбанк” акционерлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини ошириш;

– озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириш билан бир қаторда лизинг, факторинг ва савдони молиялаштириш хизматлари кўламини кенгайтириш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини, жумладан, мураккаб маиший техника, мебель ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, 2013 йилнинг юртимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат соҳаси ва сервисни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасидаги лойиҳаларни кредитлаш кўламини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

9. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида янги турар-жойлар барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олиш каби инвестиция лойиҳаларига тижорат банклари томонидан 6 триллион сўмдан зиёд кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда. Жумладан, 2013 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги янги турар–жойлар барпо этишга барча манбалар ҳисобидан 796 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратиш прогноз қилинмоқда. Шундан 251 миллиард сўм миқдоридаги маблағ Осиё тараққиёт банкнинг кредит линияси ҳисобидан берилади.

Ушбу имтиёзлар асосида тадбиркорлик тузилмалари айрим тўловлардан озод қилинган маблағларни инновацияни жорий қилишга, замонавий асбоб-ускуна ва технологияларни харид қилишга, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, ўз маҳсулотларининг

рақобатбардошлигини оширишга йўналтириш имконияти яратилди. Ушбу чора-тадбирлар аҳолининг микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришдаги бандлигини ошириш орқали жами талабни ўстиради, бу эса инқироздан чиқишнинг муҳим омилларидан саналади. Шунингдек, ушбу инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш мақсадида Юртбошимиз томонидан тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш йўли билан уларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди. Жумладан, микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш субъектларини молиялашга ихтисослашган “...Микрокредитбанк устав жамғармасини 72 млрд.сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 млрд. сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди”⁴⁹.

Айтиш мумкинки, банкларнинг устав капитални “ хавфсизлик ёстиқчаси” сифатида ҳар қандай банкнинг барқарор фаолият юритишини таъминлайди. Бундай ҳолат микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштиришда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ муддатли депозитларини кенг жалб қилиш ҳисобига банкларнинг ресурс базасини кучайтириш, янги хизмат турларини яратиш ва рискларини диверсификациялашда тижорат банклари ва суғурта компанияларининг биргаликдаги амалиётларини янада такомиллаштириш ва кенгайтириб бориш лозим. Чунки, банклар ва суғурта компанияларининг ҳамкорликдаги фаолияти молия бозоридаги рисклар даражасини камайтиришга имкон беради.

⁴⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009й. 9-б.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредитлашнинг миллий моделини яратишда жаҳоннинг бой тажрибаси ўрганилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда.

2-боб бўйича хулоса

Мустақиллик даврида микрокредитлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришни ривожлантириш жараёни иқтисодий босқичма-босқич тузилмавий янгилаш, уни эркинлаштириш, хусусий сектор ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур соҳада йил сайин ижобий ютуқ ва иқтисодий ўсишга эришганлигини кўриш мумкин. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2015 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 15,9 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 3,3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2015 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, имтиёзли кредитлаш, нафақат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашади, балки миллий

иқтисодиётда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишга кўмаклашишнинг самарали воситаси ҳамдир.

III БОБ. МИКРОКРЕДИТЛАШ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микрокредитлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз ечимини кутаётган, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратди, жумладан, “Тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор.

Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган”⁵⁰, - деб таъкидлаб, тадбиркорликни ривожлантиришга айнан нималар ҳалақит бераётганлигини батафсил ўрганиб чиқиш ва бу йўналишда амалий қадамлар қўйиш вазифасини белгилаб берди.

Шу муносабат билан битирув-малакавий иши мавзуси юзасидан олиб борилган изланишлар натижаларига асосланган ҳолда мамлакатимиз банк хизматлари амалиётида қатор ечимини топмаган муаммоларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Улардан асосийлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлашдаги муаммоларнинг мавжудлиги. Мазкур муаммога икки нуқтаи назардан қараш мумкин. Биринчиси, тадбиркорлик субъектларини фаол тарзда кредитлашга тижорат банклари ресурс базасининг етарли даражада эмаслиги имкон бермаётган бўлса, иккинчиси, кредитни нақд пул

⁵⁰ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 39-бет.

шаклида олишдаги чекловлар, юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги ҳамда кредит бўйича қарздорликни ундириш масалалари салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Кредитлар бўйича гаровга олинган мулкни сотиш механизмининг такомиллашмаганлиги. Мазкур механизмнинг такомиллашмаганлиги натижасида гаровга олинган мулкларни суд орқали олиб қўйиш жараёни чўзилиб кетмоқда. Гаров объектини сотиш бўйича чиқарилган суд қарорининг ижросини кечикиши тижорат банкнинг кўрадиган зарари миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Бу эса тижорат банкларининг молиявий ҳолатига салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Ушбу зарарни юзага келиши қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

– берилган кредит муддати ўтгандан сўнг даромад келтирмайдиган активга айланади;

– Марказий банкнинг талаби билан муддати ўтган кредитлар 60 ва 90 кунлик муддатлар тугагандан сўнг фоизли даромадлар ҳисобидан балансдан чиқарилади. Бу эса, соф фойданинг камайишига олиб келади.

3. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлашда муддати ўтган кредитларнинг мавжудлиги. Тижорат банклари амалиётида тадбиркорлик субъектларини кредитлашда муаммоли кредитларнинг келиб чиқиши тез-тез кузатилади. Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги банкларнинг нафақат даромадининг камайишига, балки активларнинг ҳам йўқолишига олиб келади. Тадбиркорлик субъектларини молиялашда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига тўсқинлик қилувчи омилларни ички ва ташқи омилларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Ички омилларга кредит таъминоти етишмаслиги, ссуда буюртномасини ўрганишда ахборотни нотўғри баҳолаш, банк назоратининг заифлиги ҳамда дасталабки огоҳлантирувчи белгиларларни ўз вақтида аниқламаслик ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик ва ҳоказо. Ташқи омилларга корхонанинг банкрот

бўлиши ёки бозорда ўз мавқеини йўқотиши, ички ижтимоий муаммолар, кредиторларнинг қарзни қайтаришни талаб қилиши ва бошқалар.

4. Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш амалиётини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг мавжудлиги. Изланишлар кўрсатишича, тадбиркорлик субъектларининг микрокредит олишдаги асосий муаммо гаров таъминотининг мавжуд эмаслиги эмас, балки микрокредитларнинг қисқа муддатлилиги ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари тижорат банкларининг ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларидан фойдаланишдаги асосий муаммо нақд пул олиш имконияти чекланганлиги, кафолат берувчининг топилмаслиги, бизнес режаларни тайёрлашда етарли билим ва малакага эга эмаслиги ҳамда кредитни расмийлаштириш харажатлари юқорилигидир. Бундай ҳолат тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб борилмаётганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига қулай молиявий хизматлар кўрсатиш борасида сезиларли ишлар олиб борилаётган бир вақтда, баъзи бир тижорат банкларининг раҳбар ходимлари банк қонунчилигини бузиш, миждозларга нисбатан қўпол муомала қилиш, миждозлар банк-ҳисоб варағида маблағ бўла туриб, уларни ўз вақтида ўтказиб беришни ва нақд пул билан таъминлашни пайсалга солиш, нақд пул ва кредит бериш масалаларида тамагирликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Албатта, Марказий банк ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай ҳолатларни ўз вақтида ўрганиб, аниқлаб келмоқда ва бундай банк раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳам бинк хизматлари бўйича тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, бизнес-режа тайёрлашда малака етишмаслиги, банк қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий саводхонлигининг сустлиги ҳам банк хизматлари амалиёти тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг баргараф этилиши, ўз навбатида, мамлакатимизда банк хизматлари амалиёти тараққиётини таъминлабгина қолмай, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдалана олишини таъминлаш орқали ҳозирда устувор аҳамият касб этувчи ўрта мулкдорлар синфининг ривожланишига имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2015 йил 26 октябрдаги «Банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2420-сонли Қарорига мувофиқ, 2016 йил давомида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг устав капиталига 75,0 млрд. сўм, «Агробанк» АТБ устав капиталига 50,0 млрд. сўм, «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталига 25 млрд. сўм ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ устав капиталига 25 млрд. сўмлик маблағларнинг жойлаштирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган қисмини хорижий инвесторларга сотиш юзасидан ўтган давр мобайнида зарурий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низомига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Бугунги кунда республикаимизда фаолият юритаётган 12 та тижорат банкларининг («ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ, «ЎТ-банк» АЖ, ЧЭКИ «Савдогарбанк АТБ, ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ, «Ипак Йўли банки» АИТБ, «Asia Alliance Bank» АТБ, «Orient Finans» ХАТБ, «Мадад Инвест Банк» ХАТБ, «Ravnaq-bank» ХАТБ, «Капиталбанк» АТБ, «Трастбанк» ХАБ ва «Invest Finance Bank» АТБ) устав капиталига Осиё тараққиёт

банки, Халқаро молия корпорацияси, Корея тараққиёт банки, Голландия ривожланиш ва тараққиёт ташкилоти каби молиявий ташкилотлар ҳамда бошқа хорижий инвесторларнинг улушлари жалб этилди.

2016 йил мобайнида мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва мижозлар талабларига мос жозибатор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг реал сектори, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш ва шу орқали мамлакатда ишлаб чиқариш ҳамда инвестицион фаолликни рағбатлантириш банк тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

2017 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ажратилган жами кредит қўйилмалари ҳажмининг 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларидаги дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун қарийб 14,2 трлн. сўмлик инвестицион кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда республика ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш мақсадларига 2017 йилда тижорат банклари томонидан жами 18,8 трлн. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 25 фоиз кўп миқдорда кредит маблағларининг ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 455,4 млрд. сўм миқдорида ёки 2016 йилга нисбатан

27 фоизга кўп, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 2 трлн. сўм (25 фоизга кўп), хизмат кўрсатиш ва сервисоҳасини ривожлантириш учун 3,1 трлн. сўм (28 фоизга кўп) ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун қарийб 401 млрд. сўмлик (19 фоизга кўп) кредит маблағлари ажратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йилга нисбатан 26 фоиз кўп микрокредитлар ажратилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сонли Қарорига асосан 2017 йилда республикамиз ҳудудларидаги қишлоқ жойларида 15 мингта янги намунадаги уйларнинг қурилиши режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, ушбу мақсадларда жами 2,1 трлн. сўм, шу жумладан, 1,6 трлн. сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағларининг йўналтирилиши белгиланган бўлиб, мазкур кредит ресурсларининг уй-жойларни қуриш ва таъмирланишини амалга оширувчи буюртмачи ташкилотларга кредит линиялари очиш ҳамда аҳолига ушбу хонадонларни харид қилиш учун ипотека кредити сифатида ажратишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарорига мувофиқ, 2017 йилда республикамиз шаҳарларида 8,1 минг хонадонга мўлжалланган 191 та кўп қаватли уйларнинг қурилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга тижорат банклари орқали 673 млрд. сўм миқдордаги молиявий ресурсларнинг йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналари, шунингдек, янги ташкил этилаётган «Ургут», «Ғиждувон»,

«Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналаридаги банк муассасалари фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда янада такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Умуман олганда, ушбу дастурларнинг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш билан бирга қурилиш ишлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи ҳамда уларга туташ корхоналар маҳсулотларига талабнинг ошиши натижасида ушбу соҳаларнинг жадал ривожланишига асос яратиб, иқтисодиётнинг реал секторидаги фаолликнинг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3.2. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари амалиётини такомиллаштириш йўналишлари

Ҳозирги кунда замонавий банк хизматларини кенг жорий этиб бориш ва бунда асосий эътиборни банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга қаратиш банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

2017 йилда тижорат банкларининг замонавий ахборот технологияларига асосланган банк хизматларининг сифати ва ишончлилигини ошириш, жумладан, мижозлар учун банк биносига келмасдан, масофадан туриб, кенг турдаги банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

Бунда асосий эътибор:

– кўрсатилаётган банк хизматлари сифати ва кўламини илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали кенгайтириш, шу жумладан, банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш;

– чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминалларига бўлган талабини доимий равишда

ўрганиб бориш, уларга фойдаланиладиган зарур ускуна ва материалларни қисқа муддатларда етказиб бериш ҳамда доимий равишда банк омборларида етарли миқдорда терминаллар, пластик карточкалар ва инфокиосклар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

– аҳолининг истеъмол талабини ошириш ва қулай кредит турларини кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан овердрафт кредитлари ажратилишини ҳамда кредит карталарини жорий этиш;

– тўлов терминаллари ва банк ускуналарига тезкор техник хизмат кўрсатиш кўламини янада яхшилаш учун Ягона умумреспублика процессинг марказининг сервис шохобчаларини барча шаҳар ва туманларда ташкил этиш;

– банк пластик карточкалари орқали ўтказилган тўловларни савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларининг тижорат банкларида очилган депозит ҳисобварақларига ўтказилишини автоматлашган банк тизими (АБТ)га узлуксиз реал вақт режимида узатилиши бўйича зарурий чоралар кўриш;

– банкларнинг «Мобиль-илова» дастурини жорий этиш ва ушбу дастур орқали кредитни сўндириш, бюджет ва солиқ тўловлари, алоқа тўловлари, интернет-сайтлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш;

– мобиль иловалардан кенг фойдаланган ҳолда он-лайн режимида банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахслар учун бир пластик карточкадан бошқа бир пластик карточкаларга маблағларни кўчириш амалиётини янада кенгайтириш;

– электрон «он-лайн» дўконлар (E-POS) тармоғини кўпайтириш ҳисобига банк пластик карточкаларидан фойдаланувчилар учун товар ва хизматларни интернет тармоғи орқали харид қилиш имкониятларини яратиш;

– аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг банк

кассаларига тўлик ва ўз вақтида топширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини кучайтириш;

– аҳоли гавжум жойларда, йирик корхона ва ташкилотларда, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи инфокиосklar сонини кўпайтириш, уларнинг доимий ишлаш ҳолатида бўлишини таъминлаш каби вазифаларга қаратилади.

Битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида амалга оширилган таҳлиллар натижаларига асосланган ҳолда, республикада тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмларини оширишда асосий эътиборни мижозлар ва аҳолининг, хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи омилларини яратиш. Хусусан, депозитларни эгасининг биринчи талаби билан чегараланмаган миқдорда қайтариб белишини кафолатлаш, депозит эгаларига манфаат келтирувчи фоиз ставкалари ўрнатилиши кабилардир.

2. Тижорат банкларининг устав капиталига давлат томонидан кўйилган пул маблағларини тадбиркорлик субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлашга, давлат фойдасига ҳисобланган дивидендларни эса, мазкур банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига имтиёзли молиявий хизматлар кўрсатиш учун сарфлаш зарур. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлашга йўналтирилиши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида ҳам яққол ўз ифодасини топган бўлиб, унда тадбиркорлик субъектларига, фермер хўжаликларига мини-технологиялар ҳамда ихчам

ускуналар сотиб олиш учун бериладиган имтиёзли кредитлар ва лизинг беришни 2010 йилга нисбатан 50 фоизга ошириш масаласи энг устувор вазифалардан бири сифатида қайд этиб ўтилган.

3. Тижорат банкларининг молиявий хизматлардан олинган даромадларини солиқдан озод қилиниши натижасида ҳосил бўлган маблағларни тўлиқ уларни капиталлашиш даражасини оширишга йўналтириш лозим. Ушбу маблағларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида ташкил қилинаётган кичик корхоналар учун янги усукуналар ва технологиялар харид қилиш мақсадларига йўналтириш лозим. Ушбу тадбирнинг амалиётга тадбиқи натижасида қуйидаги амалий натижаларга эришиш мумкин:

- тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар етишмаслиги шароитида, тадбиркорлик субъектларига бериладиган инвестицион кредитлар бериш ҳажми ошади;

- тижорат банкларининг инвестицион кредитлардан оладиган даромадлари миқдори кўпаяди;

- қишлоқ жойларда кичик корхоналар сони, уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳияти ошади;

- аҳоли бандлиги маълум даражада ошади.

4. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар, шу жумладан микрокредитларнинг таъминоти сифатини ошириш мақсадида кафилик берган учинчи шахсларнинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тартибини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Мижозлар аҳволи ва уларнинг кредит тарихи ҳақида маълумотларни йиғиш, қарз берувчилар рискин камайтиришга, қарз олувчиларга эса ўзларининг қарзини қайтариш бўйича яхши кўрсаткичларни ифода этган ҳолда бошқа ташкилотлардан янги қарзларни олишга имкон беради.

5. Тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар сонини

ошириб бориш, асосий эътиборни уларнинг республика ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатишнинг муаммоларини ҳал этиш бевосита кўп томонлама манфаатларни ҳисобга олиб, самарали иш олиб бориш орқалигина ўз ечимини топиши мумкин. Шундан сўнгина Ўзбекистон Республикасида молиявий хизматлар кўрсатишнинг ривожланишига, уларнинг моддий ва молиявий маблағлар билан таъминланишига, мамлакатда миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мамлакат экспорт салоҳиятининг кўтарилиши, ишсизлик муаммоларининг ҳал этилишига ва иқтисодиётнинг барқарорлашувига олиб келади.

3.3. Микрокредитлаш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўллари

Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушни изчил ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони қабул қилинди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, унда қуйидаги вазифалар ҳисобга олинди:

– тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралashiш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

– хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

– рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча турдаги тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

– хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилаш.

Шунингдек, мазкур дастурда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини тартибга солиш, уларнинг давлат идораларига мурожаатларини “ишонч телефони” орқали туну-кун қабул қилиш, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда суд органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш, яқка тартибдаги тадбиркорларга бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқини бериш, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўтган 2016 йил ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзлайдиган кенг қўламли ва муҳим мулкий ислоҳотлар Дастурини ҳаётга жорий этиш йўлида катта қадам бўлди. Ўз моҳият эътибори билан чуқур таркибий ўзгаришларнинг, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини камайтиришни босқичма-босқич амалга оширишда яна бир қадам бўлганини тўлиқ асослар билан айтиш мумкин.

Давлат дастурига кўра, 2015 йилнинг ўзида 1247 корхона хусусийлаштиришга кўйилди⁵¹. Мазкур Давлат дастурида мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушни изчил ошириш белгиланди. Шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурида қуйидагилар инобатга олинди:

– тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралashiш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;

– хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

– рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча турдаги тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

– хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш.

Дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар – тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони.

органлар раҳбарларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юклатилди.

3.3.1-жадвал

2015 йил 20 августда ўзгариш (қўшимча ва тўлдириш)лар киритилган қонунлар рўйхати

Қонуннинг номи	Қабул қилинган (таҳрир) санаси
“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”	1996 йил 26 апрель (2014 йил 6 майда таҳрир қилинган)
“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”	1992 йил 9 декабрь
“Банкротлик тўғрисида”	1994 йил 5 май
“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”	1999 йил 19 август
“Таров тўғрисида”	1992 йил 9 декабрь
“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”	1999 йил 19 август
“Давлат божхона хизмати тўғрисида”	1997 йил 29 август
“Дехқон хўжалиги тўғрисида”	1998 йил 30 апрель
“Ипотека тўғрисида”	2006 йил 4 октябрь
“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”	2011 йил 4 октябрь
“Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”	1997 йил 25 декабрь
“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”	2001 йил 6 декабрь
“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”	2006 йил 20 сентябрь
“Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”	2013 йил 4 октябрь
“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”	2012 йил 26 апрель
“Рақобат тўғрисида”	2012 йил 6 январь
“Солиқ маслаҳати тўғрисида”	2006 йил 21 сентябрь
“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”	2001 йил 29 август
“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”	2012 йил 20 декабрь
“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”	2000 йил 25 май
“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”	1991 йил 14 июнь
“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”	2000 йил 25 май
“Фермер хўжалиги тўғрисида”	1998 йил 30 апрель
“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”	2004 йил 2 декабрь
“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”	2001 йил 6 декабрь
“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”	1998 йил 29 август
“Хусусий банк ва молия институтлари	2012 йил 17 декабрь

ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”	
“Хусусий корхона тўғрисида”	2003 йил 11 декабрь
“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”	2012 йил 24 сентябрь
“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”	2006 йил 12 апрель
“Ҳомийлик тўғрисида”	2007 йил 2 май
“Электрон рақамли имзо тўғрисида”	2003 йил 11 декабрь
“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”	1996 йил 25 апрель

Жаҳон банки гуруҳининг йиллик нашри “Бизнесни юритиш” ҳисоботи 2003 йилдан буён тузилади. У жаҳон мамлакатларидаги:

1. Ишбилармонлик фаоллиги;
2. Бизнесни юритиш хусусиятлари;
3. Бизнес учун мамлакатлардаги мавжуд чекловларни баҳолайди.

Ҳисоботда хусусий корхоналарнинг ҳаётий циклида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳаларидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади. Хусусий сектор субъектларининг бизнес юритиш даражасидаги шарт-шароитлар ва имкониятлар дастлабки даврда бешта кўрсаткич бўйича 108 мамлакатда амалга оширилган. Эндиликда ҳисобот жаҳоннинг 189 мамлакати бўйича тайёрланишига эришилмоқда.

Айни чоғда мезонлар сони ҳам 2015 йилгача 11 та бўлса, 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар сони 10 тага келтирилди. 11-мезон бўлган меҳнат бозорини тартибга солиш кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар ичига сингдирилиб юборилди. Яъни, 2016 йил рейтингини ҳисоблашда ушбу мезон алоҳида кўрсаткич сифатида киритилмади. Қолган 10 та баҳолаш кўрсаткичларининг таркибидан қуйидагилар ўрин олган:

1. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш;
2. Қурилишга рухсатномалар олиш;
3. Электр таъминоти тармоғига уланиш;
4. Мулкни рўйхатга олиш;
5. Кредитлар олиш;

6. Миноритар инвесторларни ҳимоя қи-лиш;
7. Солиқ солиш;
8. Халқаро савдо;
9. Шартномалар ижросини таъминлаш;
10. Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз рейтингининг “Бизнесни юритиш” ҳисоботида изчил яхшиланиб боришини амалга оширилаётган инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги билан изоҳлаш мумкин. Яъни, Ўзбекистоннинг тадбиркорлик соҳасида амалга ошираётган ислохотлари Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, БМТ Тараққиёт дастури каби етакчи халқаро ташкилотлар, шунингдек, чет эл ҳукуматлари томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2015 йилнинг 27 октябрида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган “Бизнесни юритиш 2016: тартибга солиш сифати ва сама-радорлигини баҳолаш” (Doing Business-2016: Measuring Regulatory quality and Efficiency) мавзусидаги йиллик нашрининг 13-сонида Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эга ўнта мамлакатлар қаторига кирганлиги баён этилган⁵².

Жаҳон банки экспертлари томонидан жорий йилги ҳисоботда 10 та йўналишдан 3 таси бўйича (бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш; хусусий мулкни рўйхатга олиш; кредитлар олиш) Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди. Рейтинг бали ўтган йилдаги 58,81 баллдан 62,6 баллга ортди (100 баллик тизим орқали баҳолаганда).

Республикаимиз ўз рейтингини яхшилаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган 5 та мамлакат қаторига кирди. Аввало шуни айтиш керакки, республикаимизда бизнес муҳитни яхшилаш соҳасидаги ислохотлар

⁵² <http://www.doingbusiness.org>. Doing Business 2016. Measuring Regulatory Quality and Efficiency. 13th edition. Comparing Business Regulation for domestic firms in 189 Economies. World Bank group. 348 s.

натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш таомйиллари енгиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичлари таҳлилига кўра, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни жиддий силжишларга эришилган рейтинглар ташкил этади. Булар: 1. Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш (+22 поғона кўтарилиш.); 2. Хусусий мулкни рўйхатга олиш (+26 поғона кўтарилиш); 3. Кредитлар олиш (+63 поғона кўтарилиш).

Интернет тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда “Ягона дарча” тизимини янада такомиллаштириш орқали Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш йўналиши бўйича 22 поғонага юқорилаб, 42-ўринни банд этди. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш 6,5 кунни, Европа ва Марказий Осиёда бу кўрсаткич ўртача 10 кунни, бошқа ривожланган мамлакатларда 8,3 кунни ташкил этади.

3.3.2-жадвал

DOING BUSINESS 2016: Ўзбекистон позициясидаги ўзгаришлар

Мезон номи	Ўрин		Фарқ (2015-2016)
	2015	2016	
1. Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	64	42	+22
2. Хусусий мулкни рўйхатга олиш	113	87	+26
3. Кредитлар олиш	105	42	+63
4. Солиқ солиш	117	115	+2
5. Шартномалар ижросини таъминлаш	32	32	0
6. Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш	75	75	0
7. Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш	87	88	-1
8. Электр таъминоти тармоғига уланиш	108	112	- 4
9. Қурилишга рухсатномалар олиш	149	151	- 2
10. Халқаро савдо	158	159	- 1

Таъкидлаш жоизки, бизнесни ташкил этиш тартиботларини соддалаштириш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес очиш учун

Япониядагидан 1,5 баробар, Россия ва Германиядагидан - 1,6 марта, Греция ва Исроилдагидан - 2 марта, Испаниядагидан - 2,2 марта, Украинадагидан 2,8 марта, Ҳиндистондагидан - 4,5 марта, Хитойдагидан - 4,8 марта ва Бразилиядагидан 12,8 марта камроқ вақт сарфланмоқда. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекистон судларда ҳужалик низоларини ҳал этиш бўйича энг кам вақт сарфланадиган дунёнинг 4-мамлакатидан бири ҳисобланади.

Янги ҳисоботда сезиларли равишда яхшиланган яна бир йўналиш бу кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичидир (+26 поғона). Мазкур йўналиш бўйича ижобий ўзгаришга тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш эвазига эришилди. Чунончи, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан давлатнинг бошқа органларида мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларининг талаб қилиниши таъқиқланди. Натижада, Ўзбекистонда бугунги кунда кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш Франция, Бельгия, Исроил, Аргентина, Ҳиндистон, Словения ва шу каби давлатларга нисбатан анча қисқа муддатларда амалга оширилмоқда.

Гаров таъминоти механизмларини такомиллаштириш ва замонавий ягона гаров реестри фаолиятини ташкил этиш ҳамда “Кредит ахборот-таҳлилий маркази” Кредит бюроси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Гаров реестри тўғрисида”, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида рейтингдаги энг юқори ижобий ўзгариш кредит олиш кўрсаткичи бўйича қайд этилди (42-ўрин ёки ўтган йилги ҳисоботга

нисбатан 63 поғона юқори). Натижада, бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Швейцария (59), Нидерландия, Франция, Япония, Хитой (79), Италия, Бразилия (97), Канада (109) ва бошқа мамлакатларни ортда қолдирди.

Ҳисобот рейтингининг иккинчи гуруҳига ўз позицияси ўзгармаган ва биринчи юз мамлакат қаторида жойлашган кўрсаткичлар киритилган. Булар: шартномалар ижросини таъминлаш ва тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш кўрсаткичларидир. Ўзбекистон шартномалар ижросини таъминлашда 32-ўринни, тўловга қобилиятсизликни бартараф этишда 75-ўринни сақлаб қолган. Шунингдек, Ўзбекистон кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш (87-ўрин), миноритар инвесторлар ҳимояси (88-ўрин) каби йўналишлар бўйича биринчи юз мамлакат қаторига кирди.

Ўзбекистон учун ўз позицияси бўйича юзта мамлакат қаторига кирмаган рейтинг кўрсаткичлари ҳисобот рейтингининг учинчи гуруҳини ташкил этади. Сўнгги рейтинг гуруҳи Ўзбекистон учун ноқулай вазиятлардан далолат беради. Мамлакатимиз солиққа тортиш мезони бўйича ўз мавқеини 2 поғонага юқорилатган, 117-ўридан 115-ўринга кўтарилсада, умумий ҳолат яхши эмас. Бирок, шуни ҳам эслатиш керакки, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда солиқ юки даражаси АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Греция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги қайд этилди. Электр таъминоти тармоғига уланишда вазият ёмонлашган: 108-ўридан 112-ўринга - 4 поғона пасайган. Қурилишга рухсатномалар олишда 149-ўридан 151-ўринга - 2 поғона пасайган. Халқаро савдода эса, 158-ўридан 159-ўринга - 1 поғона пасайган.

Албатта, келгусида давлат бошқаруви идораларида рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилишига шубҳа йўқ. Бунда онлайн-дўконларга янада кенг йул очадиган “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш ҳам жиддий ижобий таъсир қилишини айтиб ўтиш керак. Электр тармоқларига уланишни

соддалаштириш ҳам мамлакатимизда кейинги пайтда қабул қилинаётган норматив ҳужжатларда, масалан, “Ягона дарча” маркази фаолиятида ўз аксини топмоқда.

3-боб бўйича хулоса

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқнинг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси Тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмларини оширишда асосий эътиборни миқдорлар ва аҳолининг, хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи омилларини яратишга қаратмоғимиз зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ТАДБИРКОРЛИК субъектларига молиявий хизматлар кўрсатишнинг муаммоларини ҳал этиш бевосита кўп томонлама манфаатларни ҳисобга олиб, самарали иш олиб бориш орқалигина ўз ечимини топиши мумкин. Шундан сўнггина, Ўзбекистон Республикасида молиявий хизматлар кўрсатишнинг ривожланишига, уларнинг моддий ва молиявий маблағлар билан таъминланишига, мамлакатда миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мамлакат экспорт салоҳиятининг кўтарилиши, ишсизлик муаммоларининг ҳал этилишига ва иқтисодиётнинг барқарорлашувига олиб келади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув малакавий ишида амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги назарий хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ўз тажрибаси ва билими, яратувчанлик ва риск асосида фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – тадбиркорлик; амалдаги қонунлар доирасида ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб, шу жумладан, товар ва хизматлар яратиш орқали фойда олишга қаратилган фаолиятни – бизнес; тадбиркорлик субъектларининг қонун доирасида ўз ва ўзга маблағлар ҳамда интеллектуал салоҳияти эвазига яратувчанлик ва риск асосида турли иқтисодий ўзгаришларга тез мослаша олувчи, аҳолининг талабини қондирувчи маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – хусусий тадбиркорлик, деб таърифланиши ўринли деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорлик яратувчанлиги билан бизнестан фарқланади ва “кичик” сўзи мулк шаклини эмас, балки корхона кўламини тавсифлайди.

2. Ўзбекистоннинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиб, тадбиркорлик субъектларини таснифлашда фақат ишчилар сонини эмас, балки уларнинг устав капитали миқдори ва маҳсулот сотиш ҳажмлари ҳам асосий мезон сифатида ҳисобга олиниши зарур.

3. 2001-2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори ўсиш суръатларига эга бўлди ва унинг юзага келишига тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ортиб бориш тенденциясига асос бўлди.

Тадқиқот жараёнида республикада тадбиркорлик субъектларига банк хизматлари амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмларини оширишда асосий эътиборни мижозлар ва аҳолининг, хорижий инвесторларнинг бўш турган пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишнинг рағбатлантирувчи омилларини яратиш.

2. Тижорат банкларининг устав капиталига давлат ва жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағларини тадбиркорлик субъектларининг инвестицион харажатларини кредитлашга, давлат фойдасига ҳисобланган дивидендларни эса, мазкур банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига имтиёзли молиявий хизматлар кўрсатиш учун сарфлаш зарур.

3. Тижорат банкларининг молиявий хизматлардан олинган даромадларини солиқдан озод қилиниши натижасида ҳосил бўлган маблағларни тўлиқ уларни капиталлашиш даражасини оширишга йўналтириш лозим.

4. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар, шу жумладан микрокредитларнинг таъминоти сифатини ошириш мақсадида кафиллик берган учинчи шахсларнинг молиявий ва мулкӣ ҳолатини баҳолаш тартибини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

5. Тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларига бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда молиявий хизматлар кўрсатувчи шахобчалари сонини ошириб бориш, асосий эътиборни уларнинг республика ҳудудлари бўйича мутаносиб жойлашувига қаратиш зарур.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги асосий хулосалар ва амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги кичик бизнес субъектлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш таҳлилига кўра, ушбу соҳа ўз тараққиётининг бошланғич босқичини ўтмоқда. Масалан, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 2001-2016 йилларда 2,3 марта, унда банд бўлганлар сони 2,5 ва уларнинг ЯИМдаги улуши 1,4 баравар

ошган, яъни кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улушининг ўсиш суръати бошқа кўрсаткичларга нисбатан пастроқ бўлган. Тармоқлар бўйича эса, кишлок хўжалиги ва пулли хизматларнинг улуши салмоқли бўлган ҳолда, саноат тармоғида кам улушли мўътадиллик кузатилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, кичик бизнес субъектларининг тор миллий бозор билан чекланаётганлиги туфайли халқаро бозорда рақобатбардошликнинг заифлиги давом этмоқда.

2. Кичик бизнеснинг барқарор ривожланиши молия-кредит муносабатларининг амалда қай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқ бўлган жараёндир. Ушбу ўзаро боғлиқлик айланма маблағлар айланиш тезлигининг ўсишига эришиш, бозор конъюнктураси талабларининг ўзгариши натижасида тегишли қарорларнинг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш, хом ашё, тайёр маҳсулот ва иш вақти йўқотишларини имкон қадар камайтириш, аҳоли бандлиги соҳаларининг кенгайтирилиши эвазига истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан янада тўлдириш имконини беради.

3. Молия-кредит муносабатларига оид тадқиқотлардаги ёндашувларнинг таҳлилларига кўра, «кичик бизнес» ва «молия-кредит механизми» тушунчаларининг аниқлаштирилган таърифи мавжуд эмаслиги ушбу тушунчаларга қуйидаги янги, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқишни тақозо этди: «кичик бизнес» – амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ва эркин рақобат муҳити шароитидаги фойдали иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида тўловга лаёқатли аҳоли талабини қондириш ҳамда ижтимоий муаммолар ечимига эришиш воситаси бўлиб, таркибий жиҳатдан яқка тадбиркорлик, микрофирма ва кичик корхоналардан иборатдир; «молия-кредит механизми» бу молия-кредит тизимининг таркибий қисми саналиб, иқтисодий жараён ва муносабатларни тартибга солишда пул маблағларидан оқилона фойдаланишдаги усул ва воситаларнинг йиғиндисидир, молия-кредит тизими эса банк ва бошқа молиявий муассасаларнинг мижозлар билан бўладиган молиявий муносабатларини ўз ичига олади.

4. Бу борадаги фикрларни таҳлил этиш, тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган молия-кредит механизми ташкилий моделининг таркибий тузилиши тамойиллар, вазифалар ва функциялардан иборат. Ушбу моделдан кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ташкилий-услубий асоси сифатида фойдаланиш уларни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

5. Давлатнинг кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишда хорижий ва республикада молиявий институтлари фаолияти муҳим ўрин тутмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш босқичида кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш муаммоларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса, кредит рискларини бошқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни тақозо этади.

6. Кичик бизнес субъектлари молиялаштирилишини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган ва ўтказилган махсус анкета сўрови натижаларининг уч босқичли таҳлили, шунингдек, инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблашнинг таклиф этилган усули иқтисодий эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида, кредит рискларига бошқарув таъсирини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади.

7. Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг молиялаштирилишида хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланишнинг муҳим йўналишларидан бири хорижий кредит линиялари билан фаол ҳамкорлик қилишдир. Хусусан, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва унга хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Хитой «Эксимбанк»и ва Ислон Тараққиёт банкининг кредит лойиҳалари кичик бизнес субъектларининг самарали фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутмоқда. Миллий бозорни импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулотлар билан тўлдиришда илғор

техника ва юқори технологияларни жорий этишга қаратилган хорижий кредит линияларини фаол жалб этиш лозим.

8. Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, кредит рискларининг олдини олишда кредит тарихини юритиш муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда кредит интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича таваккалчиликларни камайтириш мақсадида ва потенциал қарз олувчиларни ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиқиб, «Кредит тарихи тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

9. Кичик бизнес субъектлари ва банкларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятида диверсификациялаш механизми имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш керак. Бу механизм кредит рискларига бошқарув таъсирини кўрсатишнинг устувор йўналиши бўлиб, мамлакат банк тизимини кредит rischi билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016 йил.
2. “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг 417-сонли Қонуни. – Тошкент: 2016 йил 27 декабрь
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: “Yurist-Media markazi” 2011 йил.
4. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон Қонуни.
5. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30апрелдаги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 2000 йил 26 майдаги Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

8. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарори

10. Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 105-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2017 йил 27 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида Фармойиши

12. “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 мартдаги ПҚ-1725-сон қарори.

13. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон Қонуни.

14. “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил 12 декабрдаги 80, 2011-34, 14-сонли қарори.

15. “Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 3 февралдаги 12, 2012-7-сонли қарори.

16. “Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 24 февралдаги 22, 2012-13-сонли қарори.

17. “Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 17, 2012-4-сонли қарори.

18. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 12 декабрдаги 35/4, 82, 2011-41-сонли қарори.

19. “Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 23-сонли буйруғи.

Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

21. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осойишта , муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.

22. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон

Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

23. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамыз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

24. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январь ойида бўлиб ўтган “Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини хар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 16 январь.

25. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили// “Халқ сўзи” 2016 йил 31 декабр

26. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6194).

27. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 304 б.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

29. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма

мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 56 б.

30. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.

IV. Асосий адабиётлар

31. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Фан ва технология». 2010, 784 б.

32. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010. -267 б.

33. Вахабов А., Хажикабиев Ш., Муминов Н., Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В.Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент: Молия, 2010. -328 б.

34. Bekmurodov A.Sh., Qosimova M.S., Ergashxodjaeva Sh.J. Strategik marketing. O`quv qo`llanma. 2010.-161 b.

35. Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О., Отажонов Ш.И., Алматова Д.С. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили. –Т.: “Фан”, 2011. -185 б.

36. Жумаев Н., Абдурахмонов О. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. –Тошкент: Академнашр, 2010. -160 б.

37. Бутиков И. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. –Ташкент, 2008 -224 с.

38. Вайс В.Д. Делай деньги во время кризиса на бирже / пер. с англ. под. ред. О.Сидоровой. –СПб.: Лидер, 2009. -384 с.

39. Гринспен А. Эпоха потрясений: Проблемы и перспективы мировой финансовой системы. Пер. с англ. 2-е издание, доп. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. -520 с.

V. Қўшимча адабиётлар

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг асосий якунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришди” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2016.

41. .Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 160 б.

42. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

43. Бекмуродов А.Ш. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётни либерализациялаш йилларида. - Т.: ТДИУ, 2006.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплалар ва ҳисоботлар

44. Жураев А. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2004 йил апрел №4 сони.

45. Шербаков Г.Л. Маҳаллий молия менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёти жамғармаси, 2004.

46. Қосимова Г. Ғазначилик тизимини ахборот билан таъминлаш. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2003, 6-сон.
47. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Тошкент: Академия, 2002.
48. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 2010-2016 йил сонлари.
49. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 2010-2016 йиллар.
50. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
51. “Ўзбекистон Иқтисодиёти” статистик маълумотлар тўплами. -Т., 2010-2016

VII. Интернет сайтлари

52. www.press-service.uz -Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати
53. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
54. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
55. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.
56. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
57. www.minesonoma.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий сайти
58. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти
59. www.norma.uz -Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги сайти
60. www.tdiu.uz – Тошкент давлат иқтисодиёт университети расмий сайти.